O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№


# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2009 йил 2 сентябрь, № 173 (4836) Чоршанба


***МУСТАҚИЛЛИК БИЗ УЧУН — ЎЗЛИГИМИЗНИ АНГЛАШ, ЮРТ ТИНЧЛИГИ ВА БАРҚАРОРЛИГИНИНГ, ИНСОН МАНФААТИ, ЭРКИНЛИГИ ВА ФАРОВОНЛИГИНИНГ, БИЗ КЎЗЛАГАН ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ БАРПО ЭТИШНИНГ ГАРОВИДИР.***

# ТАРИХИ БОЙ, БУГУНИ ГЎЗАЛ, КЕЛАЖАГИ БУЮК ШАҲАР



## ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲРИНИНГ 2200 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАЖЛИСДАГИ НУТҚИ

Ассалому алайкум, қадрли ватандошлар!

Муҳтарам меҳмонлар!

Хонимлар ва жаноблар!

Авваламбор, сиз азизларни, сизларнинг тимсолингизда пойтахтимиз аҳли, бутун халқимизни Ватанимизнинг олтин остонаси бўлмиш Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик қутлуғ тўйи, улуғ байрами билан чин қалбимдан муборакбод этиб, барчангизга ўзимнинг самимий ҳурмат-эҳтиромим ва эзгу тилакларимни изҳор этишга ижозат бергайсиз.

Ҳаммамизга маълумки, халқимизда азал-азалдан тўйга тўёна билан келишдек ажойиб бир одат бор.

Шу маънода, азим Тошкентимизнинг айнан бугунги тўйига атаб барпо этилган, "Ўзбекистон" халқаро анжуманлар саройи деб ном олган мана шундай муҳташам ва бетакрор кошонада пойтахтимизнинг буюк санасини ўтказар эканмиз, барчамизнинг байрамона кайфиятимизга қувонч ва шукроналик туйғулари қўшилиб кетаётгани табиий бир ҳол, десам, ўйлайманки, кўпчиликнинг фикрини ифода қилган бўламан.

Қадимий ва ҳамиша навқирон Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигини муносиб ўтказиш мақсадида нуфузли халқаро ташкилот бўлмиш ЮНЕСКО қарори асосида ушбу юбилейни юртимизда кенг нишонлаш тўғрисида махсус қарор ва дастур қабул қилганимиздан сизлар, албатта, хабардорсиз.

Ўтган давр мобайнида бу санани Тошкент шаҳрининг мамлакатимиз ҳаётидаги беқиёс ўрни ва мавқеига мос равишда, юксак савияда нишонлаш, пойтахтимизни янада обод қилиш учун катта тайёргарлик ишлари олиб борилди.

Бугун тўла ишонч билан айтиш мумкинки, бундай улкан, ҳақиқатан ҳам, тарихий ишларни амалга оширишда Тошкентда бирон-бир туман, мавзе-маҳалла, меҳнат жамоаси ёки бирорта одам йўққи, бевосита ўз ҳиссасини қўшмаган, ҳеч бўлмаганда, ўзининг фикри, маслаҳати билан иштирок этмаган бўлса.

Бир сўз билан айтганда, мана шу давр мобайнида бу гўзал масканда, она диёримизда яшаётган, кексаю ёш барча-барча инсонлар учун Тошкентимиз нақадар севимли ва қадрли экани яна бир бор амалда намоён бўлди, десам, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Фурсатдан фойдаланиб, азим Тошкент шаҳрининг муборак тўйини ўтказишга муносиб ҳисса қўшган сиз азизларга, сизлар орқали бутун пойтахт аҳлига ўз номимдан, халқимиз номидан чуқур миннатдорлик билдиришни ўзимнинг бурчим деб биламан.

Бугун бизни ўз бағрига олган мана шу бино, чиндан ҳам, миллий меъморлик санъатимизнинг ажойиб намунаси бўлиб, унинг ғояси ва лойиҳаси, муҳандислик ечимлари, ҳар қайси устуни, ҳар қайси ғишти, ички ва ташқи безаклари — буларнинг барчаси ўз кучимиз, ўзимизнинг моҳир уста, қурувчи ва пайвандчиларимиз, етук мутахассисларимизнинг меҳнати билан бунёд этилгани ҳаммамизга ғурур ва ифтихор бағишлайди.

Айни мана шундай ҳашаматли ва бетакрор бинони Тошкентнинг қоқ марказида барпо этишга эришганимизни бугунги кунда мамлакатимизнинг интеллектуал салоҳияти, куч ва имкониятлари, жумладан, қурилиш ва бунёдкорлик, замонавий шаҳарсозлик соҳасида ҳам тобора юксалиб бораётганининг яққол исботи сифатида қабул қилиш ўринли бўлади, деб ўйлайман.

Муҳтарам дўстлар!

Шу залда ўтирган сиз, азизларнинг, барчамизнинг номимиздан бир эзгу тилакни билдириб, айтмоқчиман: ҳеч шубҳасиз, миллий бинокорлик санъати ва маҳоратининг беназир намойиши бўлмиш мана шу салобатли сарой азим ва гўзал Тошкентимиз каби дунё тургунча турсин, бугунги тантана сингари юртимизнинг энг қувончли ва шодиёна кунларига, илоҳим, хизмат қилсин.

Ҳурматли мажлис иштирокчилари!

Бугун биз Тошкент шаҳрининг мана шу буюк санасини нишонлар эканмиз, бу айём Ватанимиз мустақиллигининг 18 йиллик байрами билан узвий боғланиб кетганини чуқур англаймиз.

Айтиш керакки, бу ҳолнинг ўзига хос муҳим сиёсий, ижтимоий ва маънавий аҳамияти, маъноси бор, албатта. Нега деганда, Тошкентнинг тарихи ва бугунги ҳаётини Ўзбекистоннинг тарихи ва бугунги ҳаётидан, Ўзбекистоннинг келгуси тараққиётини Тошкентнинг истиқболидан ажратиб, айри ҳолда тасаввур этиб бўлмайди.

Шу кунларда диёримизнинг узоқ-яқин барча қишлоқ ва шаҳарларида халқимиз энг улуғ ва энг азиз айём бўлмиш Мустақиллик кунини катта хурсандчилик билан байрам қилаётган экан, юртимизда яшаётган, ўз тақдирини Ўзбекистоннинг тақдири ва келажаги билан чамбарчас боғлаган ҳар қайси одам ўз фикри ва зикри билан бир ҳақиқатга яна ва яна бир бор ишонч ҳосил қилади. Яъни, у ўзининг ҳаёти, оиласи, ёру биродарлари мисолида Ўзбекистонимиз шу ўтган қисқа даврда босиб ўтган йўлни, амалга оширилаётган мислсиз ўзгариш ва янгиланишларни, мамлакатимизнинг куч-қудрати ортиб, унинг қиёфаси янада чирой очаётгани, халқаро майдонда обрў-эътибори юксалиб бораётганини беихтиёр ўзига тасаввур қилиши табиийдир.

Ҳақиқатан ҳам, шу байрам кунларида мустақиллик биз учун ўзлигимизни англаш, ер ости, ер усти бойликларимизга эгалик қилиш, меҳнаткаш халқимизнинг ва бугун кучга тўлиб, ҳаётга кириб бораётган ёшларимизнинг беқиёс салоҳияти ва орзу-интилишларини рўёбга чиқариш, шу муқаддас заминда демократик, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш, бир сўз билан айтганда, эртанги ёруғ кунимизни қуриш учун қандай улкан имкониятларни очиб берганини яна бир карра шукроналик билан кўз ўнгимиздан ўтказишимиз — буям табиий ҳол десам, ҳеч қандай муболаға бўлмайди.

Шу маънода, биз кўзлаган юксак марраларга эришиш йўлида ўтган давр мобайнида қўлга киритган натижалар ҳақида гапирганда, фақатгина охирги беш йил давомида иқтисодиётимизнинг барқарор ривожланишини намоён этадиган баъзи бир рақамларни олиб келиш ўринли бўлади, деб ўйлайман.

Биргина мисолнинг ўзи, яъни кейинги, 2004-2008 йиллар давомида мамлакатимизда ялпи ички маҳсулот ҳажмининг доллар ҳисобида 2,6 баробар ўсгани, ишлаб чиқарилган ялпи ички маҳсулот ҳажми эса аҳоли жон бошига 2 баробардан зиёд ошгани, ҳеч шубҳасиз, иқтисодиётимиздаги туб ўзгаришлар ўзининг амалий самарасини бераётганини яққол исботлаб турибди.

Эътиборлиси шундаки, иқтисодий ўсиш суръатларини изчил таъминлаш ва нархнавонинг ошиб кетишига йўл қўймаслик бўйича кўрилган чора-тадбирлар, ўз навбатида, худди шу даврда аҳоли реал даромадларини 4 баробар ошириш имконини берди.

Сизларга яхши маълумки, бугунги кунда жаҳон миқёсида тобора кучайиб бораётган молиявий-иқтисодий инқироз оқибатида дунёнинг жуда кўп мамлакатларида иқтисодий ўсишнинг пасайиши кузатилмоқда. Минглаб корхоналар, банклар ва компаниялар банкротликка учраб, ишсиз қолганлар сони кўпайиб, аҳолининг турмуш даражаси пасайиб бормоқда.

Албатта, ана шу инқироз таъсирида жуда катта зарар ва талафот кўраётган давлатларнинг иқтисодиётини кузатар эканмиз, табиий бир савол туғилиши мумкин — бу инқирознинг Ўзбекистон учун таъсирини юмшатишга, аввало, иқтисодиётимизнинг ўсиш суръатлари ва энг муҳими, аҳолимизнинг ҳаёт даражаси пасайишининг олдини олишга биз ниманинг ҳисобидан ва қандай қилиб эришмоқдамиз?

Шуни айтиш керакки, жамоатчилигимиз, халқимиз вакиллари, авваламбор, оддий инсонлар бу масаланинг мағзига етиб бориб, ўзининг кундалик ҳаёти ва тажрибаси асосида бу саволга жавоб топмоқда. Юртимизнинг турли ҳудуд ва минтақаларида бўлиб, одамлар билан учрашганда, мулоқот қилганда, бунга ишонч ҳосил қилиш мумкин.

(Давоми 2-бетда).

**"Ўзбекистон" халқаро анжуманлар саройида Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига бағишланган тантанали мажлис бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов иштирок этди.**

Истиқлол эл-юртимиз учун бемисл неъматлар инъом этди. Минг йиллар давомида шаклланган бой тарихимиз, меросимиз, муқаддас динимиз, миллий қадриятларимиз мустақиллик туфайли қадр топди. Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида буюк аждодларимизнинг бетакрор илмий, маънавий меросини чуқур ўрганиш, қадимий шаҳарларимизнинг бой тарихини тадқиқ этиш борасидаги улкан ишлар ҳақли равишда жаҳон ҳамжамияти томонидан эътироф этилмоқда.

Инсоният тамаддуни, жаҳон цивилизациясига беқиёс ҳисса қўшган шаҳарлар орасида Тошкент алоҳида мавқеи ва нуфузи билан ажралиб туради. Йигирма икки асрлик ўтмишга эга шаҳар асрлар давомида улкан ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, илмий, маданий ва маърифий марказлардан бири бўлиб келган. Буюк Ипак йўли чорраҳасида жойлашган, ўзининг муҳим жуғрофий ва геосиёсий ўрнига эга Тошкент ҳақли равишда "Шарқ дарвозаси" номини олган, тинчлик ва дўстлик рамзига айланган.

Тошкентнинг 2200 йиллик юбилейи Ватанимиз мустақиллиги байрами билан биргаликда нишонланишида ўзига хос рамзий маъно бор. Зеро, Тошкентнинг тарихи ва бугунги ҳаёти юртимиз тарихи ва келажаги билан чамбарчас боғлиқ. Тошкентда Ўзбекистоннинг давлат мустақиллиги эълон қилинди. Шаҳарда амалга оширилган улкан бунёдкорлик ишлари, унинг тарихий, ижтимоий-сиёсий ва илмий салоҳиятининг тикланиши Ўзбекистоннинг 18 йиллик мустақил тараққиёт йўли билан узвий боғлиқ.

Улуғ байрамлар арафасида Тошкент шаҳрининг марказида миллий ва замонавий меъморлик анъаналарини ўзида мужассам этган бетакрор ва муҳташам "Ўзбекистон" халқаро анжуманлар саройи қад ростлади.

1 сентябрь. Соат 16.00. Муаззам саройнинг маҳобатли зали байрамона безатилган. Бу ерга мамлакат ҳукумати аъзолари, Олий Мажлис Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, хорижий давлатларнинг мамлакатимиздаги элчихоналари, халқаро ташкилотлар ваколатхоналари, жамоатчилик вакиллари, фан, маданият, санъат намояндалари йиғилган.

Йиғилганлар Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовни қарсаклар билан кутиб олдилар.

Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик юбилейига бағишланган тантанали мажлисни шаҳар ҳокими А. Тўхтаев очди.

Сўз Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга берилди.

Президентимиз тантана қатнашчиларини, бутун халқимизни Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик байрами билан қутлар экан, мустақиллик биз учун ўзлигимизни англаш, ҳуқуқий демократик давлат, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш учун улкан имкониятлар очиб берганини қайд этди. Миллий давлатчилигимиз тарихида ва ижтимоий-сиёсий ҳаётимизда пойтахтимиз алоҳида ўринга ва беқиёс аҳамиятга эга эканини таъкидлади.

Тошкент нафақат мамлакатимиз, балки бутун минтақамизнинг юксак тараққий этган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий-молиявий, маънавий-маърифий ва илмий-маданий марказидир. У дунёдаги энг гўзал пойтахт шаҳарлардан биридир. Бетакрор Тошкент кўп миллатли халқимизнинг фахри ва ғурури, тинчлик-осойишталик ва барқарорлик тимсолидир.

(Давоми 3-бетда).



Муҳаммад АМИН, Сарвар ЎРМОНОВ (ЎзА) олган суратлар.

## САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийлариға

Ўзбекистон Республикаси ўз миллий байрамини нишонлаши муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига ва юртдошларингизга самимий тилакларимни йўллашдан бахтиёрман.

Яратгандан дунёдаги, шу жумладан, мамлакатингиздаги бутун инсоният ва халқлар бирдамликда тараққий этишига хизмат қилишга интилаётган барча холис ниятли кишиларнинг саъй-ҳаракатлари мустажоб бўлишини ҳамда ушбу саъй-ҳаракатлар миллатингиз ривожига самарали ҳисса қўшишини илтижо қилиб қоламан.

Қодир Эгамга ибодат қилиб, Сиз, Жаноби Олийлари ва мамлакатингиз аҳлига Ўз ҳидоятини зиёда айлашини сўраб қоламан.

**Бенедикт XVI,**
**Рим Папаси.**

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийлариға

Юртингиз Миллий байрами муносабати билан Греция халқи ва шахсан ўз номимдан Сиз, Жаноби Олийларига энг эзгу табрикларни изҳор этиб, самимият ила Ўзбекистон халқига фаровонлик ва равнақ ҳамда Сизга шахсий бахт тилаб қолмоқчиман.

**Каролос Папулиас,**
**Греция Республикаси Президенти.**

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийлариға

Жаноби Олийлари,

Латвия халқи номидан Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик куни муносабати билан мамлакат халқи ва шахсан Сизга ўзимнинг самимий қутловларимни йўллаш менга мамнуният бахш этади.

Ушбу фурсатдан фойдаланиб, Ўзбекистон Республикаси халқига Марказий Осиёнинг маданий ва илмий маркази сифатида ном қозонган ажойиб пойтахт — Тошкентнинг 2200 йиллигини нишонлаш муносабати билан ҳам ўзимнинг алоҳида табрикларимни йўллайман.

Аминманки, мамлакатларимиз ўртасидаги дўстона ва конструктив муносабатлар келгуси йилларда ҳам янада чуқурлашиб ва мустаҳкамланиб бораверади.

Жаноби Олийлари, Ўзбекистон Республикаси халқининг фаровонлиги ва гуллаб-яшнашини истагувчи самимий тилакларим ва юксак эҳтиромимни изҳор этишга ижозат бергайсиз.

**Валдис Затлерс,**
**Латвия Республикаси Президенти.**

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийлариға

Муҳтарам Президент Жаноби Олийлари!

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги куни муносабати билан Сизга ва қардош ўзбек халқига энг самимий табрикларимни изҳор этаман.

Ўзбекистон Туркия учун ғоят аҳамиятлидир, бинобарин турк халқи «ота юрти» деб билгувчи ушбу мамлакат билан ҳамкорликни янада ривожлантириш ҳамда умумий илдиз ва тил ила боғланган ўзбек халқи билан яқиндан мулоқот қилишни орзу қилиб келади.

Фурсатдан фойдаланиб, Сизни муштарак маданиятимизнинг энг гўзал намуналарини асраб-авайлаб келган ҳамда кўҳна Буюк Ипак йўлидаги энг муҳим шаҳарлардан бўлмиш Тошкентнинг 2200 йиллиги билан ҳам муборакбод этмоқчиман.

Сизга сиҳат-саломатлик, бахт ва зафарлар, қардош ўзбек халқига эса тинчлик, фаровонлик ва омонлик тилайман.

**Режеп Таййип Эрдоған,**
**Туркия Республикаси бош вазири.**

## ОБОД ЮРТГА БАЙРАМЛАР ЯРАШАДИ

***Айни кунларда мамлакатимиз шаҳар ва қишлоқларида энг улуғ, энг азиз байрам — Мустақиллигимизнинг 18 йиллиги тантаналари зўр шоду хуррамлик ва кўтаринки кайфият билан нишонланмоқда. Юртни янада яшнатиш, обод қилиш иштиёқи билан яшаётган юртдошларимиз Истиқлол нашидасидан баҳраманд. Муҳими, одамларнинг юз-кўзларида бугунги осойишта ва фаровон ҳаётимиздан чексиз шукроналик ва Истиқболимизга юксак ишонч туйғулари яққол намоён.***

Бугун қай бир соҳада, қай бир ҳудудда бўлмасин, Юртбошимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар замирида, энг аввало, инсон ва унинг манфаатлари мужассам. Асрларга татигулик Истиқлол йилларида қўлга киритган ютуқларимиз сарҳисоби бунга ёрқин далил бўла олади. Қувонарлиси, бундан ўн саккиз йил муқаддам танланган тараққиёт, ривожланиш стратегиямиз нақадар тўғри ва оқилона йўл эканлигининг исботини топибгина қолмай, балки бу билан дунё нигоҳидаги, эътирофидаги давлатга айланиб бораяпмиз. Зотан, давлатимиз раҳбарининг Истиқлолнинг 18 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги табрик сўзида айтилганидек, "Юртимизда янги жамият барпо этишда биз танлаган ва босқичма-босқич, изчил

(Давоми 3-бетда).

# ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲРИНИНГ 2200 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАЖЛИСДАГИ НУТҚИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Бугун биз эришаётган ютуқ ва марраларнинг асосий сабабини, аввало, ўзгаларга ўхшаб, бир кунлик мақсад ва манфаатни кўзламасдан, аксинча, узоқни кўзлаб, мамлакатимиз ва халқимиз тақдирини атрофлича ва чуқур ўйлаган ҳолда қабул қилинган сиёсий қарорлар ва шу асосда қатъиятлик билан амалга оширилаётган дастурларимизда кўриш зарур.

Биз қўлга киритаётган улкан натижаларнинг яна бир муҳим омили — Ўзбекистон мустақилликка эришганидан кейин биз ҳеч кимдан нусха олмасдан, жаҳонда ўзини оқлаган тажрибани инкор этмасдан туриб, "ўзбек модели" деб ном олган ва машҳур беш принципга асосланган ўзимизга хос, ўзимизга мос тадрижий тараққиёт йўлини ҳаётимизда жорий этиб келаётганимиз ва айни шу модель бугунги жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида ҳам ўзининг тўғрилигини ва ҳаётбахш кучини исботлаб бераётганида, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Шу борада биз эски маъмурий-буйруқбозлик тизимидан янги — бозор тизимига ўтиш, ислоҳотларни ҳаётга татбиқ этиш жараёнида "Ислоҳот — ислоҳот учун эмас, аввало, инсон учун, унинг манфаатлари учун" ва шу билан бирга, "Янги уй қурмай туриб, эскисини бузманг" деган ҳаётий тамойилларга асосланган ҳолда иш олиб бордик.

Четдан туриб бизга турли хил таги пуч тавсияларни ўтказишга қаратилган ҳар қандай уринишлардан воз кечиб, ўз ақл-заковатимизни ишлатиб, ислоҳотларни изчил ва босқичма-босқич амалга ошириш йўлини танлаганимиз бунда айни муддао бўлди.

Яъни, бошқача қилиб айтганда, сирти ялтироқ, ичи қалтироқ, "шок терапияси"га ўхшаган, бизга номаъқул бўлган усулларга берилмасдан, четдан маслаҳатчиларни олиб келмасдан, оқибатини ўйлаб, янги жамият, янги иқтисодиётни қуришда вазминлик билан, шошилмасдан сиёсат олиб бордик.

Яна бир муҳим хулоса чиқаришга даъват этадиган масалага эътиборингизни тортмоқчиман.

Давлатимиз ва иқтисодиётимизнинг узоқ давомли келажагини ва манфаатларини кўзлаб, стратегик ва устувор дастурларни амалга оширишда, бошимиздан кечирган оғир ва кескин вазиятлардан чиқишда, бугун кўпчилик қаторида молиявий-иқтисодий инқироз таъсирини бартараф қилишда давлат бошқарув тизими ва усулларига суяниш ва уларнинг ролини кенгайтириш ва кучайтириш ўзини тўла оқлаб берганини ҳаётимизнинг ўзи тасдиқлаб берди ва бермоқда.

Бундай ёндашув, бундай қараш ва тажрибаларни қўллаш айни муддао эканини бугунги тобора кескинлашиб бораётган жаҳон молиявий ва иқтисодий инқирози шароитида кўпгина энг йирик ва тараққий топган давлатлар шундай йўлни қўллаб-қувватлаётганида кузатиш қийин эмас.

Юртимизни ҳар қандай сиёсий ва иқтисодий қарамликдан сақлаш, кимгадир тобе бўлмаслик учун, лўнда қилиб айтганда, қарз ботқоғига ботиб, бўйнимизга бўйинтуруқ илиниб қолмаслиги учун биз халқаро молиявий ташкилотларнинг маблағлари ва чет эл инвестицияларидан фойдаланишда ҳам ўта сезгирлик ва ҳушёрлик билан иш тутганимиз нақадар тўғри бўлганини, ўйлайманки, бугун барчамиз тушуниб, англаб олмоқдамиз.

Шу борада ота-боболаримиздан қолган, "бир жойга киришдан олдин чиқишни ўйлаш керак", деган ўгитлар ҳам бу масалада бизни асрашга хизмат қилганини айтиш жоиз.

Бундай фикрларни давом эттирадиган бўлсак, яна бир ҳолатни алоҳида таъкидлаш лозим. Биз халқимизнинг бойлиги, шу билан бирга, келажак авлодимизнинг ризқ-насибаси бўлган табиий захираларимиз, стратегик ресурсларимизни ўта оғир пайтларда ҳам ҳеч қачон гаровга қўйганимиз йўқ.

Айниқса, четдан таклиф қилинадиган қисқа муддатли спекулятив кредитлардан воз кечиб, оладиган сармояларни иқтисодиётимизни, аввало, ишлаб чиқариш соҳасини модернизация ва диверсификация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш учун ишлатганимиз ҳозирги вақтда мамлакатимизнинг салоҳиятини, эртанги кунимизнинг кафолатини мустаҳкамлаш имконини яратиб бермоқда.

Мухтасар қилиб айтганда, аввало, ўз кучимизга ишониб, пухта ўйланган тараққиёт моделини танлаб, келажагимизни қуришга киришганимиз, кейинги йилларда эса иқтисодиётимизни ислоҳ этиш, эркинлаштириш ва модернизация қилиш, унинг таркибий тузилишини диверсификация қилиш борасида чуқур ўйланган сиёсатни амалга ошираётганимиз юртимизни ҳар қандай иқтисодий хавф-хатардан ҳимоя қиладиган кучли тўсиқ, таъбир жоиз бўлса, мустаҳкам ва ишончли ҳимоя воситасини яратди.

Лекин бутун жаҳон миқёсида тобора чуқурлашиб бораётган инқирознинг салбий оқибатларини ҳис этмаслик, бу инқироз бизни четлаб ўтади, деган фикр ва хомхаёлда юриш, ўйлайманки, кечириб бўлмайдиган хато бўлади.

Чунки бугунги кунда Ўзбекистон халқаро ҳамжамият ва глобал молиявий-иқтисодий бозорнинг ажралмас таркибий қисми сифатида ривожланиб бораётгани ва бу жараён тобора кучайиб боришини яхши англаб олиш даркор.

Шундан келиб чиққан ҳолда, биз инқирознинг дастлабки белги-аломатлари пайдо бўла бошлаши билан сергак бўлиб, иқтисодиётимиздаги реал аҳвол ва шароитларни ҳисобга олиб, бу масала бўйича зарур тайёргарлик кўрганимиз, ўз вақтида эҳтиёткорлик билан иш тутиб, кенг кўламли дастурларни қабул қилганимиздан барчангиз хабардорсиз.

Шу борада кўрилаётган чора-тадбирларнинг асосий йўналишлари ва мақсадлари ҳақида гапирганда, аввало, иқтисодиётимизнинг реал секторининг юкини осонлаштириш, солиқларини камайтириш ва давлат томонидан ёрдам бериш, ишлаб чиқариш соҳасини ички бозорнинг талаб ва эҳтиёжларини қондириш учун қаратиш, истеъмол товарларини тайёрлайдиган тармоқларга, кичик бизнес ва тадбиркорлик, фермерлик ҳаракатига кенг йўл очиш ва қўшимча имтиёзлар бериш, айниқса, қишлоқ хўжалиги соҳасини, қишлоқ тараққиётини мамлакатимиз ривожининг етакчи кучи сифатида давлат сиёсатининг устувор йўналиши даражасига кўтаришга алоҳида аҳамият берилмоқда.

Экспортга йўналтирилган корхоналарни ҳар томонлама рағбатлантириш, уларнинг солиқ юкини кескин камайтириш, маҳсулотини реализация қилиш учун бозорларни янада кенгайтириш шулар қаторида муҳим ўрин тутади.

Инқирозга қарши чораларнинг энг асосий жиҳатларидан бири — бу транспорт йўллари ва коммуникациялар, авваламбор, социал инфратузилмани, жумладан, тоза ичимлик суви, табиий газ, электр энергияси тармоқларини, хизмат соҳаларини ривожлантириш, қишлоқ жойларда янги қурилиш ва ободонлаштириш ишларини амалга ошириш ва шуларнинг ҳисобидан биз учун ўта долзарб вазифа бўлмиш янги иш ўринларини барпо этиш масалалари эътиборимиз марказида турганини таъкидлаш керак.

Жорий этилаётган дастурдан энг катта ўрин олган асосий мақсадларимиздан бири мамлакатимизнинг молия-банк, кредит тизимини янада мустаҳкамлаш, уларнинг реал секторга ижобий таъсирини кенгайтириш, хорижий инвестицияларни, аввало, тўғридан-тўғри инвестицияларни юртимизга олиб келиш учун керакли шароит туғдириб бериш ва рағбатлантириш масалаларидир, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Бизнинг инқирозга қарши кўраётган ана шундай чораларимиз ҳозирнинг ўзида дастлабки, аммо ишончли натижаларни бермоқда.

Бу ҳақда кўп гапирмасдан, фақат 2009 йилнинг биринчи ярми якунларини оладиган бўлсак, шу даврда Ўзбекистон иқтисодиётининг изчил ва мутаносиб ривожланиб, барқарор ўсиш суръатларига эришганимизни қайд этиш лозим.

Шу вақт мобайнида ялпи ички маҳсулот 8,2 фоизга, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 9,1 фоизга, товарлар экспорти ҳажми 13,4 фоизга ўсгани, шу билан бирга, инфляция даражаси 3,5 фоиздан ортмагани, амалга оширилган тадбирлар ҳисобидан мамлакатимизда 530 мингдан кўпроқ янги иш ўрни яратилгани, аҳолининг реал пул даромадлари 26,0 фоизга ўсгани буни яққол кўрсатиб турибди.

Иқтисодиётимизни ривожлантириш, уни модернизация қилиш ва техник-технологик қайта жиҳозлаш мақсадида жалб этилган инвестициялар ҳажми шу йилнинг олти ойи мобайнида 32,7 фоизга ўсгани, шу жумладан, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажми 2,6 баробар кўпайганини қайд этиш лозим.

Ўтган 2008 йилда ва 2009 йилнинг биринчи ярмида давлат бюджети профицит билан бажарилгани туфайли жорий йилнинг 1 августидан меҳнатчиларимизнинг иш ҳақи, пенсия, стипендия ва нафақалар миқдори 25 фоизга оширилгани ва иншоолло, йилнинг охирига қадар яна ошириш имконияти мавжудлигини инобатга олган ҳолда, аҳолимизнинг бу йилги даромадлари ўтган йилгидан кам бўлмайди, деб ишонч билан айтишга тўлиқ асосларимиз бор.

Бугунги кунда халқаро ҳамжамият, жумладан, Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки, Ислом тараққиёт банки каби ташкилотлар, нуфузли халқаро эксперт ва таҳлилчилар Ўзбекистонда олиб борилаётган чуқур ва кенг кўламли ислоҳотларнинг амалий самарасини муносиб баҳолаб, холисона тан олмоқда.

Шу йил май ойида Тошкентда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этиш йўллари ва чораларига бағишлаб ўтказилган халқаро конференция ҳам шундан далолат беради.

Халқаро валюта жамғармаси бошқарувчи директори Доминик Стросс-Кан жаноблари юртимизда ислоҳотларнинг бориши билан яқиндан танишиб, жорий йилда Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулот ҳажмининг ўсиши дунёдаги энг юқори кўрсаткичлардан бирини ташкил этишини расман маълум қилгани ана шундай эътирофнинг яна бир тасдиғи бўлди.

Шуни айтиш керакки, биз ҳозирги вақтда нафақат инқирознинг салбий таъсирини юмшатиш устида бош қотиряпмиз, шу билан бирга, инқироз тугагандан кейин Ўзбекистон иқтисодиётининг янада кучли, барқарор ва мутаносиб ривожланган ҳолда майдонга чиқиши, жаҳон бозорида ўзимизнинг мустаҳкам ўрнимизни эгаллаш, халқимизнинг ҳаёт даражаси ва фаровонлигини ошириш бўйича жиддий иш олиб бормоқдамиз.

Бу тўғрида узоқ гапирмасдан, фақат битта мисолни олиб келмоқчиман.

Биз шу йилнинг бошида "2009-2014 йилларда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш бўйича муҳим лойиҳаларни амалга оширишга доир чора-тадбирлар дастури"ни қабул қилганимиздан хабарингиз бор, деб ўйлайман.

Бу дастурга биноан, умумий қиймати 41,4 миллиард долларга тенг бўлган тўрт юздан зиёд инвестиция лойиҳасини амалга ошириш кўзда тутилганининг ўзи бизнинг режаларимиз нақадар улкан ва жиддий эканининг далили десак, асло муболаға бўлмайди.

Азиз дўстлар, биродарлар, бугун мана шундай ҳал қилувчи дамларни бошимиздан кечираётган эканмиз, эртанги кунимиз янада обод бўлиши, Ўзбекистонимизнинг ривожланган давлатлар қаторидан жой олиши учун пухта ўйланган дастурларни қабул қилаётган эканмиз, ҳеч қачон қўлга киритган ютуқлардан бошимиз айланиб, оёғимиз ердан узилмаслиги кераклигини, бу йўлда ҳар бир қадамни ҳақиқатан ҳам етти ўлчаб бир кесган ҳолда қўйиш лозимлигини унутмаслигимиз зарур.

Бугун жаҳонда, яқин ва узоқ атрофимизда бўлаётган кескинлашув ҳолатлари, умуман, бутун дунёда сақланаётган хавф-хатар ва қарама-қаршиликлар, шулар қаторида, аввало, халқаро майдонда давом этаётган молиявий инқирознинг ўзи бизни янада сезгир, ҳушёр ва огоҳ бўлишга ва ўз вақтида тегишли хулосаларни чиқаришга даъват этади.

Биз тарихан қисқа даврда халқимизнинг фидокорона меҳнати, мардлиги ва матонати билан том маънода асрий ўзгаришларга эришганимизни бугун ҳеч ким — бизга хайрихоҳ бўлган инсонлар ҳам, бизга қандайдир беписанд қарайдиганлар ҳам инкор этолмайди.

Биз ўтган давр мобайнида қандай мураккаб ва машаққатли йўлни босиб ўтган бўлсак, эл-юртимиз ана шу оғир синов ва қийинчиликларда ҳар томонлама чиниқиб, тобланиб, иродаси бақувват бўлиб бормоқда.

Энг муҳими, бугун бизнинг онгу тафаккуримиз, дунёқарашимиз тубдан ўзгармоқда. Биз бугун ўз тақдирини ўз қўлига олган озод халқ, эркин миллат бўлиб, ҳеч кимдан кам бўлмасдан, маърифий дунё билан бирга ҳамқадам бўлиб бормоқдамиз.

Энди биз ўтган асрнинг 90-йилларидаги одамлар эмасмиз. Юртдошларимизда ўз ери, ўз мулки учун эгалик ҳиссиёти, ён-атрофида ва дунёда юз бераётган ўзгаришларга дахлдорлик ва масъулият туйғуси тобора кучайиб бормоқда.

Ўзлигини чуқур англаб, қандай буюк зотларнинг авлоди, қандай азиз ва муқаддас Ватаннинг фарзанди эканидан доимо ғурурланиб яшайдиган бундай бунёдкор ва бағрикенг халқ билан ҳар қандай юксак чўққиларни забт этиш мумкин. Менда бунга ҳеч қандай шубҳа йўқ.

Бугун бир фикрни тўла ишонч билан айтишга барча асосларимиз бор — йўлимизда қандай оғир, машаққатли синов ва қийинчиликлар бўлмасин, биз ҳеч қачон бўш келмаганмиз ва бундан кейин ҳам ҳеч қачон бўш келмаймиз!

Муҳтарам юртдошлар!

Бугун Тошкент ҳақида, бу буюк шаҳарнинг нафақат Ўзбекистонимиз, балки бутун Шарқ оламидаги ўрни ва аҳамияти, унинг ўзига хос хусусият ва аломатлари ҳақида гапирар эканмиз, мен ҳам кўпчилик қатори, рухсатингиз билан, Ватанимизнинг гавҳари бўлмиш бу шаҳарга ўз меҳримни билдириб, қалбимда, юрагимда бўлган ўй-фикрларим, эзгу ҳиссиётларимни изҳор этишни ўзимнинг бурчим, деб биламан.

Тошкентнинг майин ҳавоси, гўзал табиати, қут-барака ёғиладиган фусункор боғлари, зилол ва шифобахш сувлари ҳақида қандай гўзал таърифлар битилмаган. Хусусан, XVI асрда яшаб ўтган тарихчи аллома Зайниддин Восифий Тошкентни улуғлаб, бу диёрни бир бор кўрган одам бамисоли жаннат боғларини кезгандек бўлади, деб ёзганида, айни ҳақиқатни ифода этган эди.

Йигирма икки аср аввал барпо этилган, Буюк Ипак йўли чорраҳасида жойлашган, ўзининг муҳим жуғрофий ва геосиёсий ўрни, дунё цивилизацияси ривожига қўшган улкан ҳиссаси билан ҳақли равишда "Шарқ дарвозаси" деб ном олган Ватанимиз пойтахти — азим Тошкент серқуёш Ўзбекистонимизнинг бой тарихи ва бетакрор кўрку тароватини ўзида яққол намоён этади.

Тошкент бугунги кунда нафақат мамлакатимиз, балки бутун минтақамизнинг юксак тараққий этган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий-молиявий ва маънавий-маърифий марказидир. У — қудратли саноат ва транспорт-коммуникация тармоқлари, замонавий ижтимоий инфратузилмаларни ўзида мужассам этган йирик мегаполисдир.

Бу гўзал маскан шарқона қиёфа, анъанавий ва замонавий архитектура ҳамда ислом маданияти қадриятларини ноёб бир тарзда ўзаро уйғунлаштирган беқиёс шаҳардир. Бетакрор Тошкент — кўп миллатли халқимизнинг фахри ва ғурури, тинчлик-осойишталик ва барқарорлик тимсолидир.

Бу кўҳна шаҳар ўз тарихида не-не босқин ва синовларни кўрмади, неча бор вайрон бўлиб, гоҳ Қанқа, гоҳ Бинкат, гоҳ Мингўрик, гоҳо Чоч ва Шош каби номлар билан шу тупроқда яшаган аждодларимизнинг машаққатли меҳнати, матонати ва жасорати туфайли ҳар сафар қайта тикланди.

Тошкент ҳақида ўйлаганда, беихтиёр бу шаҳар нима учун айнан шу ерда, шу заминда пайдо бўлган, деган савол туғилади.

Бизгача етиб келган илмий маълумотларни қиёслаб, умумлаштирган ҳолда фикр юритадиган бўлсак, Тошкентнинг шаҳар сифатида вужудга келиши ва шаклланиши объектив тарихий зарурат натижаси бўлганини таъкидлаш лозим.

Милоднинг дастлабки асрларига оид хитой манбаларида Ши, яъни "тош шаҳар" деб тилга олинган бу ўлка тарихчи олимларнинг фикрларига кўра, минтақамиздаги энг қадимий одамзод манзилгоҳларидан бири ҳисобланади.

Маълумки, қадим замонларда шаҳарларнинг пайдо бўлишида, аввало, ҳимоя ва таъминот масаласи ҳал қилувчи ўрин тутган. Шу маънода, Тошкентнинг Чотқол ва Қурама тоғ тизмалари билан ўралган ҳудудда, азим Сирдарё ва Чирчиқ дарёларининг серсув соҳилларида, олтин ва кумуш, мис ва қўрғошин, рангли металл конлари, кенг дала ва яйловлар, бой табиат ва ҳайвонот оламига эга бўлган воҳада пайдо бўлгани албатта бежиз эмас.

Ана шундай беқиёс имкониятлар ҳисобидан бу ерда қадимдан деҳқончилик ва чорвачилик, металл қазиб олиш, тўқимачилик, кулолчилик ва шишасозлик сингари касбу ҳунарлар кенг ривож топган. Буни кўҳна Тошкентда мавжуд бўлган Темирчи, Мискарлик, Дегрезлик, Ўқчи, Эгарчи, Тақачи, Маҳсидўзлик, Кўнчилик, Парчабоф каби кўча ва маҳаллалар, гузарларнинг тарихий номлари ҳам яққол исботлаб турибди.

Айниқса, тошкентлик моҳир усталар томонидан тайёрланган жанговар қуроллар, жумладан, Шош камонлари ва ўқ-ёйлар, эгар-жабдуқ ва қалқонлар дунёда машҳур бўлганини ҳам турли манбалар тасдиқлайди.

Тошкентнинг "нон шаҳри" деб етти иқлимда шуҳрат қозонишида, албатта, бу шаҳарнинг қут-баракали, унумдор тупроғи, энг муҳими, шу масканда туп қўйиб, палак ёзган ота-боболаримизнинг меҳр-оқибати ва қалб саховати асос бўлганини, ўйлайманки, тушуниш, англаш қийин эмас.

Пойтахтимиз номига, шонига, тарихига сингиб кетган бундай хусусиятлар ҳақида кўп гапириш мумкин.

Лекин энг муҳими, ҳар қандай ҳаётий синовлар, табиий офатларга қарамасдан, ўз ўрнида доимо муқим бўлиб келаётган Тошкентнинг бугунги юксак тараққиётини кўрган инсон, бу шаҳар учун айнан шу жой танланганини тарих давомида ҳар томонлама ўзини оқлаганига такрор ва такрор ишонч ҳосил қилади.

Содда қилиб айтганда, бугун, орадан шунча вақт ўтиши билан Тошкентнинг айнан шу маконда ҳануз барқарор бўлиб келаётгани одамни нафақат ҳайратга солади, шу билан бирга, узоқни ўйлаб иш тутган, бу шаҳарга асос солган олис аждодларимизнинг ақлу заковатига тан беришга, таъзим қилишга ундайди.

Азиз дўстлар, бир ҳолатни ўзимизга тасаввур қилиб кўрайлик. Агарки, орадан асрлар, минг йиллар ўтганидан кейин, бугунги кунда замонавий билим ва тажриба, цивилизация ютуқларига суяниб, Тошкентдек азим шаҳар учун бошқатдан жой танлаш зарурати туғиладиган бўлса, ҳеч иккиланмасдан айтиш мумкин, яна айнан шу жойни танлашга тўғри келган бўлур эди.

Ҳар бир ғишти, ҳар бир қарич ерида улуғ аждодларимизнинг излари қолган бу хосиятли заминдан номлари бутун ислом оламида маълуму машҳур бўлган Имом Қаффол Шоший ва Шайх Хованди Тоҳур, Хўжа Аҳрор Валий, Ҳофиз Кўйкий ва Шайх Зайниддин бобо, Иброҳим ота ва Қўйлиқ ота сингари азиз-авлиёлар, "Шоший", "Тошкандий" тахаллуси билан илму маърифат, дину диёнат, маданият ривожига улкан ҳисса қўшган юзлаб аллома ва мутафаккир зотлар етишиб чиққан.

Тошкент ҳақида сўз юритар эканмиз, ҳеч шубҳасиз, бу шаҳар тарихига ёрқин саҳифалар битган Амир Темур бобомизнинг муборак номини эсга олишимиз, албатта, табиийдир.

Соҳибқирон ҳазратлари Туркистон ўлкасида буюк ва қудратли давлат барпо этишда Тошкентнинг қандай ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканини яхши тушунар эди. Шунинг учун ҳам Тошкент ҳақли равишда темурийлар давлатининг мустаҳкам қўрғонига, салтанат таянчига айланди.

Тошкент ҳамма замонларда ҳам меҳмондўст, бағрикенг шаҳар бўлганини унинг машҳур 12 дарвозаси орқали шарқу ғарб, жанубу шимолдан, дунёнинг ҳамма минтақаларидан савдо карвонлари бу масканга кириб келгани, ўз навбатида, Тошкентдан ҳам жаҳоннинг турли ўлкаларига қараб карвонлар йўл олгани, шу тариқа бу заминда цивилизация ва маданиятларнинг ажиб бир тарзда ўзаро уйғунлашиб кетганини кўп-кўп мисолларда кўриш мумкин.

Азал-азалдан Тошкенти азимда барча миллат ва элатларнинг вакиллари ризқ-насиба топиб, бир-бири билан аҳил ва ҳамжиҳат бўлиб, бир-бирига елкадош бўлиб яшаб келганига кўҳна тарих гувоҳлик беради. Бу фикрни Тошкент тупроғида қадимдан мавжуд бўлган Қашқар, Турк ариқ, Эрон, Нўғой тепа, Қозоқ бозор, Қирғиз кўприк, Тожик маҳалла каби маҳалла ва мавзеларнинг номлари ҳам тасдиқлайди.

Тошкентнинг Тошкент деб, яъни тошдек мустаҳкам шаҳар деб довруқ таратишида бу ерда яшаган аҳолининг асрлар давомида ёвларга қарши — бу мўғул босқини ёки араб истилоси бўладими, бошқа мустамлакачи кучлар бўладими — уларнинг барчасига қарши кўрсатган мардона жасорати муҳим роль ўйнагани шубҳасиз, албатта.

Айниқса, кейинги бир ярим аср давомида юртимиз ҳаётида қандай улкан ва ҳал қилувчи, шу билан бирга, қандай оғир ва изтиробли воқеалар юз берган бўлса, Тошкент ҳамиша уларнинг марказида бўлиб келмоқда.

Бу ҳақда гапирганда, XIX асрнинг иккинчи ярмида чор Россияси томонидан Ўрта Осиёни забт этишга қаратилган ҳаракатларнинг дастлабки зарбасига айнан Тошкент дуч келгани ва шаҳар аҳли ўз юртини ҳимоя қилишга бутун куч-қувватини сафарбар қилгани тарих саҳифаларида муҳрланиб қолганини эслаш жоиз.

XX асрда бутун мамлакатимиз қатори бошига қандай оғир мусибат ва синовлар тушмасин — бу шўролар тузумининг ўрнатилиши бўладими, 20-30-йиллардаги даҳшатли очарчилик ва қатағонлар бўладими, уруш даврининг қийинчиликлари бўладими, 1966 йилдаги кучли зилзила талафотлари бўладими — буларнинг барчасини Тошкент сабр-тоқат ва матонат билан енгиб ўтганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Айниқса, Иккинчи жаҳон уруши йилларида Тошкентнинг минг-минглаб ўғил-қизлари фашизмга қарши жангларда мардона иштирок этди. Айни пайтда у фронт ҳудудларидан кўчириб келтирилган неча ўн минглаб инсонларни, ота-онасиз қолган болаларни "Сен етим эмассан!" деб бағрига олди, бир бурда нонини улар билан баҳам кўрди. Тошкент аҳли, эл-юртимиз томонидан кўрсатилган инсонпарварлик ва меҳрибонлик фазилатларининг ёрқин намунаси бўлмиш бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин.

Сўнгги пайтда бу муаззам шаҳарга мансуб гўзал таърифлар қаторига "Тошкент — ислом маданияти пойтахти" деган юксак номнинг қўшилгани ҳар қандай мураккаб замонларда ҳам ўзининг миллий-диний қадриятларини сақлаб қолишга эришган пойтахтимиз, бутун халқимизга берилган яна бир муносиб баҳо бўлди.

Қадрли дўстлар!

Тошкент ҳақида сўз борганда, шу азим масканда туғилиб вояга етган, оила қуриб, бахт топганлар бўладими, узоқ-яқиндан келиб, Тошкент бағрида таълим-тарбия олган инсонлар бўладими, бир сўз билан, ўзбекона қилиб айтганда, кимки Тошкентнинг сувини ичиб, тузини тотган бўлса, барчамизнинг қалбимизда, тасаввуримизда бу шаҳар билан боғлиқ воқеалар, ёруғ кечинмалар, ширин хотиралар жонланади. Шу маънода, Тошкент ягона Ватаннинг ифодаси, ажралмас қисми сифатида юртимизда яшайдиган ҳар қайси инсоннинг юрагидан умрбод жой олиши шубҳасиздир.

Лўнда қилиб айтганда, ҳар биримизнинг ўз Тошкентимиз бор, десак, буям ҳар томонлама тўғри бўлади.

Албатта, бугунги кунда Тошкент таниб бўлмас даражада ўзгариб кетди. Қадимий даҳалар, тангу тор, эски кўчалар ўрнини замонавий бинолар, гўзал майдон ва хиёбонлар, равон йўл ва кўприклар, кўркам фавворалар эгаллади. Лекин пойтахтимиз қандай ўзгармасин, одам барибир болалиги, ёшлиги, илк муҳаббати кечган жойларни беихтиёр эслайди.

Тошкентнинг файзли манзараларини, ўзи учратган, меҳридан баҳраманд бўлган маҳаллий халқ вакилларини, саховатли, дилкаш ва донишманд инсонларни, уларнинг дийдорини, суҳбатини қўмсайди, соғинади.

Биров Бешёғоч майдонини, кимдир Арпапоя кўчасини, яна кимдир Кўкча даҳасини ёдга олади. Яна кимдир талаба дўстлари билан Анҳор соҳилларида кечган беғубор дамларини хаёлидан ўтказади.

Бу шаҳарда туғилиб камол топган Абдулла Авлоний, Мунаввар қори, Абдулла Қодирий, Ойбек, Ғафур Ғулом, Зулфия, Миркарим Осим, Саид Аҳмад, Обид Содиқов, Собир Юнусов, Яҳё Ғуломов, Юнус Ражабий, Шукур Бурҳонов, Ўлмас Умарбеков сингари — бу рўйхатни яна узоқ давом эттириш мумкин — ўнлаб буюк илм-фан ва маданият намояндалари халқимизнинг ижтимоий тафаккури, маънавий оламини юксалтиришга бебаҳо ҳисса қўшганини барчамиз ҳамиша миннатдорлик билан эслаймиз.

Шулар қаторида Тошкентда илдиз отиб, унинг бағрида ўз истеъдоди ва салоҳиятини рўёбга чиқаришга эришган минг-минглаб машҳур ватандошларимиз ва узоқ-яқин ўлкалардан келган инсонларнинг ҳаёти ва фаолияти ҳам бу шаҳар тарихининг узвий бир қисмига айланиб кетганини яхши биламиз.

Мен ҳам бошқалар қатори кўҳна Тошкентни, унинг эски толзор кўчаларини, пахса деворли уйларини, райҳон ҳиди, тандирдан узилган нон иси уфуриб турадиган файзли ҳовлиларни, трамвайлар қўнғироғи, уларнинг гулдураган товушини ҳали-бери яхши эслайман. Эски Жўва, Чорсу, Хадра майдонлари, Навоий кўчаси, собиқ Ғалаба парки, зилзиладан олдинги Чилонзор боғлари ҳозир ҳам кўз ўнгимда туради.

Ишончим комилки, бундай ҳиссиёт ва кечинмалар жуда кўп одамларга хос бўлиб, юртни севиш, уни жондан азиз кўриш айнан мана шундай мисоллар орқали яққол намоён бўлади.

Айтиш керакки, Тошкент халқининг ҳеч кимга ўхшамайдиган табиати, истараси иссиқ чеҳраси, ўзига хос бетакрор шеваси юрагимдан чуқур жой олган бўлиб, мен бу элнинг инсоний фазилатларини юксак қадрлайман, доимо уларга муносиб бўлишни истайман.

Бугунги кунда Тошкентимизнинг ҳаёти бутун мамлакатимиз ҳаёти билан шундай узвий боғланиб кетганки, бунинг таъсирини сезмаслик, англамаслик мумкин эмас.

Ватанимизнинг бепоён ҳудудини Тошкентда туриб, худдики тоғ чўққисидан қарагандек кузатиш, қиёслаш, тасаввур қилиш мумкин. Таъбир жоиз бўлса, Худонинг ўзи бу муаззам шаҳарни шундай юксакка кўтариб, унинг мақомини пойтахт бўлишга ҳар томонлама муносиб қилиб яратган, десак, муболаға бўлмайди.

Тошкентнинг барча жабҳаларда, айниқса, бунёдкорлик ва ободончилик борасида юртимиздаги бошқа шаҳарларга ўрнак бўлиб, ҳақиқатан ҳам, халқимиз, миллатимиз қиёфасини, унинг моддий ва маънавий қудратини ўзида ёрқин мужассам этиб келаётгани билан ҳар қанча ғурурлансак арзийди.

Авваламбор, Тошкентнинг маркази ва юраги бўлган, бутун халқимиз учун фахр ва ифтихор тимсолига, қутлуғ қадамжога айланган Мустақиллик майдонини бир марта кўрган инсон унга умрбод мафтун бўлиб қолиши муқаррар.

Барчамиз қаерда бўлмайлик, қайси юртларни кезмайлик, доимо Тошкентни соғиниб, унга талпиниб, суяниб яшаймиз. Тошкентнинг тариғини еган чумчуқ Маккадан ҳам қайтиб келади, деган нақл бежиз айтилмаган.

Шахсан мен ўз ҳаётим, раҳбарлик фаолиятим давомида жаҳондаги кўплаб узоқ-яқин, катта-кичик мамлакатларни кўрдим. Мана, яқинда дунёнинг нариги четида жойлашган, Бразилия деб ном олган йирик давлатни ҳам бориб кўриш насиб этди.

Мен бир фикрни илгари ҳам айтганман ва уни бугун ҳам такрорласам, тўғри тушунасизлар, деб ўйлайман. Қаерга бормайин, у ўлка қандай гўзал ва бетакрор бўлиб туюлмасин, мен у ерда икки-уч кундан ортиқ туролмайман. Қандайдир буюк, балки илоҳий бир куч мени беихтиёр ўз юртимизга, Тошкентга тортаверади.

Бундай ҳиссиётни фақат мен эмас, балки жуда кўпчилик юртдошларимиз ҳам бошидан кечиради, десам, ўйлайманки, адашмаган бўламан.

Нафақат юртимизда, балки чет элларда ҳам, мен Тошкентда таълим олганман, унинг сувини ичиб, нонини еганман, мен Тошкент мактабини кўрганман, деб бу шаҳарга меҳр ва ҳурмат билан яшаётган минг-минглаб одамларни учратганда, албатта, ҳаммамиз ифтихор туйғусини ҳис этамиз.

Табиийки, бугунги ёшларимизнинг ҳам ўз Тошкенти бор. Улар Тошкент деганда, авваламбор, мустақил Ватанимиз пойтахтини, энг замонавий талабларга жавоб берадиган мактаблар, лицей, коллеж ва олий ўқув юртларини, спорт, маданият ва маънавият масканларини тасаввур қилади.

Тошкент бугунги кунда миллионлаб фарзандларимизнинг эзгу интилишларига қанот берадиган, уларнинг парвози учун янги-янги уфқлар очадиган, том маънода ёшларнинг орзусидаги шаҳарга айланмоқда.

Бу гапларнинг барчасини умумлаштириб, бир сўз билан айтадиган бўлсак, биз Тошкент тимсолида Ўзбекистонни, Ўзбекистон тимсолида эса Тошкентни севамиз ва қадрлаймиз.

Барчамизга аёнки, пойтахт аҳли, деган иборада жуда катта маъно, жуда катта масъулият бор. Мана шундай юксак шарафни чуқур англаб, унга доимо ўзининг амалий ишлари билан муносиб бўлиб келаётган Тошкент халқи ҳар қандай ҳурмат-эътиборга сазовордир.

Мен шу юксак минбарда туриб, Тошкентни Тошкент қилган, унинг тупроғини кўзига тўтиё этиб яшаётган, кўпни кўрган, фидойи, оққўнгил ва меҳридарё Тошкент аҳлига бош эгиб таъзим қиламан.

Ҳурматли юртдошлар!

Энди рухсатингиз билан менга юклатилган шарафли ва қувончли бир вазифани адо этишга ўтсам.

Сизларга яхши маълумки, юртимизда миллий давлатчиликни шакллантириш, мустақил ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш, тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, давлатлараро ҳамкорлик, халқлар ўртасидаги дўстлик муносабатларини ривожлантиришга қўшган катта ҳиссаси, эзгу анъаналарни сақлаш, маданий, маънавий-маърифий ҳаётимизни юксалтириш, ёш авлодимизни Ватанга муҳаббат, миллий ва умумбашарий қадриятлар руҳида тарбиялаш борасидаги улкан хизматлари учун ҳамда 2200 йиллик юбилейи муносабати билан Тошкент шаҳри "Мустақиллик" ордени билан мукофотланган эди.

Энди катта мамнуният билан Тошкент шаҳрига ана шу юксак мукофотни топширишга ижозат бергайсиз.

Муҳтарам Тошкент аҳли, қадрдонларим!

Мана шундай унутилмас лаҳзаларда сизларни бугунги қутлуғ байрам билан яна бир бор табриклаб, барчангизга сиҳат-саломатлик, хонадонларингизга тинчлик-осойишталик ва қут-барака тилаб қоламан.

Фурсатдан фойдаланиб, Тошкентнинг бугунги катта тўйини ўтказишга муносиб ҳисса қўшган нуфузли ЮНЕСКО халқаро ташкилотига, бизнинг қувончимизга шерик бўлаётган хорижий элчихоналар ва ваколатхоналар вакилларига, узоқ-яқиндаги барча дўстларимиз ва ҳамкорларимизга чин қалбимдан миннатдорлик билдираман.

Юртимизнинг фахру ифтихори бўлмиш азим Тошкент шаҳрининг умри боқий бўлсин!

Тошкентдек буюк шаҳарларни яратган халқимиз мангу яшасин, бахту саодати янада зиёда бўлсин!

Оллоҳнинг ўзи барча эзгу ишларимизда мададкор бўлсин!

# ТАРИХИ БОЙ, БУГУНИ ГЎЗАЛ, КЕЛАЖАГИ БУЮК ШАҲАР

(Давоми. Боши 1-бетда).

ЮНЕСКО Бош конференциясининг Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигини нишонлаш тўғрисидаги 2007 йил 2 ноябрдаги 34-сессиясида қабул қилинган қарори жаҳон ҳамжамияти томонидан юртимиз тарихининг, қадимий шаҳримиз дунё тамаддунига қўшган ҳиссасининг ўзига хос эътирофидир. Президентимизнинг 2008 йил 2 апрелда қабул қилинган “Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги қарорига биноан амалга оширилган ишлар пойтахтимиз мавқеи ва салоҳиятини янада юксалтириш, халқаро миқёсда янада улуғворлик касб этишига хизмат қилмоқда.

Жорий йилнинг апрель ойида ЮНЕСКОнинг Париждаги бош қароргоҳида Тошкентнинг 2200 йиллиги кенг нишонланди. Тошкентда азим шаҳримизнинг тарихига бағишлаб ўтказилган халқаро илмий конференцияда Осиё ва Европа цивилизациясининг турли даврларида пойтахтимизнинг тутган беқиёс ўрни дунё олимлари томонидан алоҳида таъкидланди.

Истиқлол йилларида Тошкент мустақил Ўзбекистон пойтахти сифатида ҳар томонлама юксалди. Амалга оширилган кенг кўламли ободонлаштириш ва бунёдкорлик ишлари самарасида шаҳар қиёфаси таниб бўлмас даражада ўзгарди. Бу ердаги ҳар бир маскан ўзининг тарихий анъаналари, ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий салоҳиятига муносиб тарзда қайта тикланди. Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан бунёд этилган ва тубдан таъмирланган бино ва иншоотлар, йўллар, тураржойлар яхлит меъморий ечими билан алоҳида ансамблни ташкил этди. Эски шаҳарнинг қадимий маҳаллалари, Ҳазрати Имом (Ҳастимом) мажмуаси шаҳарнинг бой тарихидан гувоҳлик берса, Мустақиллик майдони ва унга туташ ҳудудлар, замонавий меъморлик анъаналари асосида бунёд этилган кўркам бинолар, замонавий меҳмонхоналар, бизнес-марказлар Тошкентнинг буюк келажагидан нишонадир.

Ўрта Осиёдаги дастлабки олий ўқув юрти Тошкент шаҳрида очилган. Бугун Тошкентда фаолият кўрсатаётган кўплаб олий ўқув юртлари, замонавий коллеж ва лицейлар илм-фан, таълим ривожига катта ҳисса қўшмоқда.

Тошкент бугун мустақил Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги юксак нуфузи ва обрў-эътибори рамзи, ўнлаб хорижий давлатлар элчихоналари, халқаро ташкилотлар ваколатхоналари жойлашган, саммитлар, йирик халқаро анжуманлар ўтказилаётган, тинчлик ва дўстлик битимлари имзоланаётган машҳур шаҳардир. Қадимда ўзининг 12 дарвозаси орқали Буюк Ипак йўлидан ўтаётган дунё карвонлари алоқаларини таъминлаган кўҳна шаҳар бугунги кунда йирик халқаро транспорт марказларидан бирига айланди.

Тошкентнинг сўлим боғроғлари, фусункор табиати азал-азалдан дунё аҳли эътиборини ўзига тортиб келган. Шоир ва ёзувчилар, рассом ва бастакорлар ўз асарларида шаҳардаги сўлим гўшаларни жаннат боғларига қиёслаб, завқу шавқ ила таъриф берган. Ҳозир Тошкент улкан сайёҳлик инфратузилмасига эга замонавий шаҳардир.

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг 2009 йил 20 августдаги Фармонига биноан, юртимизда миллий давлатчиликни шакллантириш, мустақил ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш, тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, давлатлараро ҳамкорлик, халқлар ўртасидаги дўстлик муносабатларини ривожлантиришга қўшган катта ҳиссаси, эзгу анъаналарни сақлаш, маданий, маънавий-маърифий ҳаётимизни юксалтириш, ёш авлодни Ватанга муҳаббат, миллий ва умумбашарий қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш борасидаги улкан хизматлари учун ҳамда 2200 йиллик юбилейи муносабати билан Тошкент шаҳри «Мустақиллик» ордени билан мукофотланди.

Президентимиз Ислом Каримов ушбу юксак мукофот — “Мустақиллик” орденини топширди.

Тантанада сўзга чиққан ЮНЕСКО Бош директорининг ўринбосари Ҳанс д’Орвиль, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети профессори Абдуғафур Расулов, Республика “Нуроний” жамғармаси Тошкент шаҳар бўлими раиси Муҳаммаджон Зуфаров Тошкентнинг тарихий қудрати, бугунги юксак салоҳиятини алоҳида таъкидладилар. Президент Ислом Каримов раҳнамолигида Тошкентнинг дунё миқёсидаги нуфузи ва обрў-эътиборини юксалтириш борасида амалга оширилаётган ишларни алоҳида қайд этдилар.

Маросим санъат усталари ва ижрочи ёшларнинг катта байрам концерти билан якунланди.

**Ҳусниддин БЕРДИЕВ,**
**ЎзА мухбири.**

# ОБОД ЮРТГА БАЙРАМЛАР ЯРАШАДИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

амалга ошираётган ислоҳотлар модели айни шу кунларда, яъни бутун дунё бошидан кечираётган молиявий-иқтисодий инқироз даврида амалда нақадар тўғри эканини ва халқимизнинг манфаатларига тўлиқ жавоб бераётганини ҳаётнинг ўзи тасдиқлаб бермоқда”.

Мана, яна Истиқлолнинг қутлуғ тўйига пешвоз чиқдик. Юртимиз марказидан бошланиб, энг олис ва чекка қишлоқларга қадар давом этаётган байрам шукуҳи қалбларга қувонч бахш этмоқда. Қолаверса, бу йил юртдошларимиз Мустақиллик байрами билан бир қаторда мамлакатимиз пойтахти — Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик шодиёналарининг ҳам гувоҳига айланишаяпти. Юрт бўйлаб “Мустақиллик биз учун — ўзлигимизни англаш, юрт тинчлиги ва барқарорлигининг, инсон манфаати, эркинлиги ва фаровонлигининг, биз кўзлаган демократик жамият барпо этишнинг гаровидир” шиори остида давом этаётган Истиқлол тантаналари халқ сайиллари, катта тўю томошаларга уланиб кетмоқда.

Жумладан, байрам муносабати билан Нукусдаги муҳташам амфитеатр ҳар қачонгидан маҳобатли ва гўзал тусга кирди. “Мустақиллик — ойдин йўл” деб номланган театрлаштирилган байрам тадбири очилишида сўзга чиққан **Қорақалпоғистон Республикаси** Жўқорғи Кенгеси Раиси М. Ерниязов йиғилганларни энг улуғ ва энг азиз байрам билан муборакбод этди. Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон Республикалари Давлат мадҳиялари янгради. Санъат усталари, таниқли хонандалар ижросидаги катта концерт дастурида Ватанимиз мустақиллиги, миллий қадриятларимиз, эзгу туйғу-тушунчалар ҳамда гўзал ва навқирон пойтахтимиз Тошкент шаҳрини тараннум этувчи куй-қўшиқлар янгради. Айни кунда байрам ва халқ сайиллари Оролбўйининг барча жойларида давом этмоқда.

**Андижон**ликлар ҳам Ватанимиз Мустақиллигининг 18 йиллигини ҳар жабҳада ҳавас қилса арзигулик ютуқлар билан кутиб олишяпти. Уларнинг ғайрат-шижоати билан шаҳар ва қишлоқлар қиёфаси таниб бўлмас даражада чирой очди. Жойларда янги маҳаллалар пайдо бўлди. 440 дан зиёд маданий-маиший, сервис хизмати кўрсатиш шохобчалари қурилиб, фойдаланишга топширилди. Қурувчилар қисқа муддатда янги ташкил этилган касб-ҳунар коллежларининг 13 та муҳташам биносини, 2 та мактабни барпо этиб, билимга чанқоқ ўғил-қизларимизга ажойиб туҳфа ҳозирлашди. Шунингдек, тадбиркору фермерлар, саховатпеша инсонлар ўз маблағлари ҳисобидан кўркам кўринишга эга 9 та савдо мажмуасини бунёд этдилар. Натижада беш юз нафарга яқин ёшлар, хусусан, касб-ҳунар коллежларини тамомлаган йигит-қизлар иш билан таъминланди. Табиийки, бундай муваффақиятлар вилоят аҳли қувончига қувонч қўшди. Айниқса, Андижон шаҳридаги Алишер Навоий номидаги маданият ва истироҳат боғида бўлиб ўтган Истиқлол тантаналаридаги дилтортар куй-қўшиқлар, санъат усталарининг чиқишлари одамлар руҳига кўтаринкилик бахш этди. Шу куни мушакларнинг алвон ёғдулари Андижон осмонига зеб берди.

**Наманган**даги “Ёшлар” спорт мажмуасининг ёзги томошагоҳида ташкиллаштирилган тантана чоғида мамлакатимизда юз бераётган янгиланишлар, хусусан, вилоят аҳлининг мустақиллик йилларида эришган ютуқлари хусусида сўз борди.

Дарҳақиқат, Истиқлолнинг 18 йиллик байрами вилоят ижтимоий-иқтисодий ҳаётида янги босқични бошлаб берган қувончли воқеалар билан нишонланмоқда. Жумладан, Президентимиз ва ҳукуматимиз ташаббуси билан ишлаб чиқилган мақсадли дастурлар ижроси Наманган шаҳрини замонавий меъморий лойиҳалар асосида қайта қуриш, вилоятнинг индустриал салоҳиятини юксалтириш ва ишлаб чиқаришни модернизациялаш, кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик ҳамда касаначиликни ривожлантиришга янада кенг йўл очди. Бир мисол: наманганликларнинг аксарияти бу галги улуғ айём тантаналарига шаҳар кўчаларини тўлдириб ҳаракатланаётган янги “Исузу” автобусларида боришди. Гап шундаки, байрам арафасида вилоятга Самарқандда ишлаб чиқарилаётган мазкур русумли автобуслардан 83 таси келтирилиб, йўловчиларга хизмат кўрсата бошлади. Юртбошимизнинг Наманган шаҳрини ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар дастури асосида амалга оширилган бу хайрли иш — ҳудудда автобуслар қатновининг мунтазам йўлга қўйилиши аҳоли узоғи яқин, мушкули осон бўлишига хизмат қилмоқда.

**Фарғона**ликлар ҳам Истиқлол айёмига муносиб туҳфалар ҳозирлашди. Жумладан, байрам арафасида вилоят бўйича 170 га яқин янги иншоотлар, тураржойлар, мактаб ва коллежлар, гузар ва маиший объектлар фойдаланишга топширилди. Биргина 24 та лицей ва коллеж биносини бунёд этишга 70 миллиард сўмдан зиёд маблағ сарфланди. 89 та мактаб мукаммал, 47 таси эса жорий таъмирланди. Шуниси эътиборлики, дунё аҳли молиявий-иқтисодий инқирозни бошдан кечираётган бир пайтда вилоят бўйича саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 104 фоизга ўсиши кутилаяпти.

Вилоят марказидаги “Ёшлар” мажмуасида бўлиб ўтган байрам тантаналарида ана шундай улкан зафарларга эришган фарғоналик фидойи инсонларнинг хайрли ишлари тилга олинди. Шундан сўнг байрам шодиёналари вилоятнинг олис қишлоқлари, шинам оромгоҳлар ва табиат қўйнида давом этди. Хусусан, сўхликлар Истиқлолнинг 18 йиллигини Чашма қишлоғидаги қадимий булоқ бўйида нишонлашган бўлса, Фарғона туманининг Хонқиз қишлоғи аҳли анъанага кўра, қир-адирлар бағрида байрамни қарши олишди.

**Қашқадарё** ва **Сурхондарё** воҳаларида ҳеч бир шодиёна ўлану лапарлар, алёру айтишувлар, бахшиларнинг достонларисиз ўтмайди. Энг улуғ, энг азиз байрамимиз муносабати билан ҳам ушбу хайрли анъаналар яна бир карра намоён бўлмоқда. Жумладан, Сурхондарёда байрамнинг бош тантаналари Термиз шаҳридаги амфитеатрда ўтказилди. Бу ерда йиғилганлар Ўзбекистон халқ артисти Маҳмуд Намозов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Ҳосила Раҳимова, “Ниҳол” мукофоти совриндори Саида Мамадалиева, таниқли эстрада хонандалари Анвар Санаев, Севинч Мўминова, Лола Аҳмедова ва бошқаларнинг чиқишларини олқишлар билан кутиб олиб, мароқли ҳордиқ чиқардилар. Шунингдек, Қашқадарёда ҳам қишлоқлар, гузарларда байрам дастурхони тузалиб, меҳнат ва уруш фахрийлари, фидойи инсонлар, иқтидорли ёшлар, эҳтиёжманд инсонларга байрам совғалари улашилди. Вилоятдаги асосий тантаналар Қарши шаҳридаги амфитеатрда бўлиб ўтди. Тадбирда таъкидланганидек, мустақиллик шодиёналари бу йил воҳа аҳли учун қўшалоқ байрамга айланди. Масалан, ушбу йилда мактабни тамомлаган мингга яқин қашқадарёлик йигит-қиз олий ўқув юртлари талабалари сафидан жой олди. Шунингдек, ижтимоий-сиёсий соҳаларда ҳам катта ютуқлар қўлга киритилди. Жумладан, юзга яқин ишлаб чиқариш муассасалари ишга туширилди.

Тўйга тўёна ҳозирлаш — халқимизга хос эзгу анъана. Жумладан, **Хоразм** вилоятида 795 ўринли янги академик лицей, 6 та касб-ҳунар коллежи, вилоят Кардиология маркази, маҳалла гузарлари, қишлоқ врачлик пунктлари ҳамда бир неча ишлаб чиқариш объектлари бунёд этилиб, байрам кунлари ишга туширилди. Капитал таъмирланган Огаҳий номидаги кинотеатр яна мухлислар билан гавжум бўлди. Шунингдек, ўнлаб мактаблар таъмирланиб, ўқувчилар ихтиёрига топширилди. Куни кеча вилоят марказидаги “Авесто” ёдгорлик боғ-мажмуасида бўлиб ўтган байрам шодиёналари бугун туман ва шаҳар марказларида, қишлоқ ва хонадонларда давом этмоқда.

**Бухоро** шаҳри марказидаги амфитеатрда уюштирилган байрам томошалари қатнашчиларда катта таассурот қолдирди. Бу ерда жамулжам бўлганлар Истиқлолимизнинг 18 йиллигини шод-хуррамликда нишонладилар. Байрам муносабати билан вилоятда кўплаб маданий-маиший иншоотлар, хусусан, Ғиждувон шаҳрида академик лицей, Олот туманидаги “Талқонсаёт” қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида политехника касб-ҳунар коллежи биноси, Когон шаҳрида замонавий андозадаги “Ёшлик” болалар спорт мажмуаси фойдаланишга топширилди.

**Навоий** вилоятида Мустақиллик байрамини муносиб нишонлашга пухта ҳозирлик кўрилди. Тантана кунлари Хатирчи ва Нурота туманларида учта касб-ҳунар коллежи ҳамда битта янги мактаб, “Олтинсой” сиҳатгоҳи, Зарафшон шаҳрида улкан спорт мажмуаси ишга туширилди. Бинобарин, 47 та қишлоқ аҳолиси тоза ичимлик суви билан таъминланди, 40 та иссиқхона, 10 та паррандачилик фермаси, юзлаб савдо расталари фаолият бошлади. Албатта, буларнинг барчаси воҳа аҳлининг Истиқлол байрамини шаҳару қишлоқлар, овулу маҳаллаларда чексиз ғурур-ифтихор билан нишонлашига арзигулик ютуқлардир.

Бугун кўҳна ва ҳамиша навқирон **Самарқанд** кўчаю хиёбонлари, боғу роғлари, шаҳар кўркига кўрк, салобатига салобат қўшиб турган тарихий ва замонавий иншоотларнинг файз-тароватi ўзгача. Қарийб бир ҳафта мобайнида дунёнинг 47 та давлатидан келган санъат усталари ва ихлосмандларини ижодий беллашувга чорлаган “Шарқ тароналари” халқаро мусиқа фестивали кунлари Самарқанд нурга, гўзалликка бурканди. Ана шу тантаналар олдидан Самарқанд аэропортининг замон андозалари даражасида қайта қурилиши, темир йўл вокзали, Регистон майдони, Университет хиёбони ва яна кўплаб манзилларда кенг кўламли бунёдкорлик, ободонлаштириш ишларининг амалга оширилиши барчани қувонтирди. Эътиборлиси, ушбу катта санъат байрами Истиқлолнинг шодиёналарига уланиб кетди. Шаҳарнинг “Мўъжиза” амфитеатрида бўлиб ўтган асосий тантаналарда ана шу улкан муваффақиятлар яна бир карра эътироф этилди.

**Жиззах** шаҳрида — “Сангзоркўл”нинг муҳташам саҳнасида намойиш этилган катта байрам томошаларида Истиқлол шарофати билан вилоятда қўлга киритилган ютуқлар, шаҳару қишлоқларда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, Ўзбекистон довруғини жаҳонга ёяётган ёшларнинг муваффақиятлари тилга олинди. Шаҳардаги “Ўрда” ёшлар экологик боғи, Ёшлар ва Меҳр-мурувват шаҳарчаларида Истиқлол байрами ўзига хос тарзда нишонланди. Бу ерда қад ростлаган вилоятдаги ягона ҳуқуқшунослик коллежининг очилиши ёшлар учун қўшалоқ байрамга айланди.

Дўстлик каналини Гулистон шаҳрининг зангор камарига қиёслашади. Байрам муносабати билан ушбу сув ҳавзаси соҳилида жойлашган “Анҳор” ёзги томошагоҳи, айниқса, ўзгача кўркамлик ва таровaт касб этди. Бу ерга **Сирдарё** вилоятининг шаҳар ва туманларидан кўплаб меҳнат фахрийлари ва илғорлари, жамоатчилик вакиллари, ёшлар ташриф буюришди. Мустақиллик йилларида эришилган ютуқлар, юртимизнинг бугунги обод ва кўркам қиёфаси байрам томошаларининг асоси бўлди. Тантананинг “Тошкент — шарқ гавҳари” деб номланган бадиий-мусиқали қисмида эса қадим ва навқирон пойтахтимизнинг 2200 йиллиги мадҳ этилди.

Шу кунларда **Тошкент шаҳри** ва **вилояти**нинг ҳар бир ҳудудида пойтахтимизнинг 2200 йиллиги ҳамда Истиқлол шодиёналарига бағишлаб байрам тадбирлари, турли анжуман ва кечалар ўтказилмоқда. Айниқса, ҳудудлар аҳолиси Тошкент шаҳрининг бугунги бетакрор, обод ва кўркам қиёфасини томоша қилиш истагида пойтахтга ошиқмоқдалар. Сўлим боғу хиёбонларда уюштирилаётган байрам сайиллари, санъаткорларнинг чиқишлари, қизиқарли томошалар юртдошларимизга хушкайфият улашаяпти.

Ҳа, озод ва обод юртга тўю тантаналар ярашади. Бу — ҳаётимиз тинч-осойишта ва фаровон ўтаётганидан далолат. Зеро, бундай беқиёс муваффақиятларимиз мамлакатимиз равнақи йўлида Юртбошимиз томонидан олиб борилаётган оқилона сиёсат, бунёдкор, фидойи халқимизнинг меҳнати самарасидир.

***«Халқ сўзи» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.***





# САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

## Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари,

Ўзбекистон Мустақиллиги куни муносабати билан самимий табрикларимни изҳор этиш менга улкан мамнуният бахш этади.

Мамлакатларимиз ўртасидаги анъанавий яқин ва дўстона муносабатлар умумий тарихий ва маданий меросимизга асосланади. Биз Ҳиндистон билан Ўзбекистон ўртасидаги узлуксиз ривожланиб бораётган кўп қиррали ҳамкорликни жуда қадрлаймиз. Биргаликдаги саъй-ҳаракатларимиз орқали муносабатларимиз келгусида янада юксак чўққиларни забт этишига аминман.

Жаноби Олийлари, биродар Ўзбекистон халқига фаровонлик, шунингдек, шахсан Сизга мустаҳкам соғлиқ ва омонлик тилаб йўллаган энг эзгу истакларимни қабул этгайсиз.

Юксак эҳтиром билан,

**Манмохан Сингҳ,**
**Ҳиндистон Бош вазири.**

## Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари!

Сизга самимий қутловларим ва эзгу тилакларимни йўллаб, мамлакатингизда Сизнинг раҳбарлигингизда эришилган ютуқлардан мамнунлигимни изҳор этмоқликдан ғоят бахтиёрман. Шунингдек, Сиз, Жаноби Олийларини биродар Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги байрами ҳамда Тошкент шаҳрига асос солинганининг 2200 йиллиги билан чин қалбдан муборакбод этаман. Сизга мустаҳкам соғлиқ ва омонлик, юртингизга доимий равнақ ва барқарорлик тилаб қоламан.

Сизнинг оқилона раҳбарлигингизда икки қардош юрт — Бирлашган Араб Амирликлари ва Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги дўстлик риштaлари бундан буён ҳам жадал ривожланишига умид билдираман.

Жаноби Олийлари, Сизга бўлган юксак эҳтиромимни қабул қилгайсиз,

**Сейф Бин Зайд Ал Наҳян,**
**Бирлашган Араб Амирликлари**
**Бош вазири ўринбосари,**
**Ички ишлар вазири.**

## Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Муҳтарам жаноб Президент!

«Сока Гаккай Интернэшнл» компаниясининг 192 дунё давлатида фаолият юритаётган барча аъзолари номидан Сизни ва халқингизни мамлакат Сизнинг оқилона раҳбарлигингизда фахр ва ишонч ила нишонлаётган Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг шонли 18 йиллиги билан чин қалбдан муборакбод этишга ижозат бергайсиз.

Биз яна бир қутлуғ сана — барча мамлакатлар учун тинчлик ва дўстлик рамзи бўлган ҳамда Буюк Ипак йўли маданий ва илмий мероси хазинаси сифатида жаҳонга танилган Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги байрами шодиёнасига шерик бўлиш имкониятига эга бўлганимиздан бениҳоя бахтиёрмиз.

Сизнинг инсонпарварлик ва адолат руҳидаги раҳбарлигингиз юрт аҳлига халқлар ўртасидаги маънавий уйғунлик шароитида ўз иқтидорларини намоён этиши ҳамда озод ва муносиб ҳаётдан баҳра олиши учун чексиз имкониятлар эшигини очиб берди.

Сизнинг теран дунёқарашингиз, ер юзида мангу қадриятларни қарор топтириш йўлида илгари сурган қатъий ташаббусингиз ва узоқни кўра билиб юритган сиёсатингизни нафақат халқингиз, балки бутун халқаро ҳамжамиятнинг соғлом фикрловчи вакиллари қўллаб-қувватлайди ва ёқлайди.

Сизнинг табаррук номингиз олий мақсадлар тимсоли сифатида инсоният тарихида абадий қолишига тўла аминмиз.

Фурсатдан фойдаланиб, сайёрамизда тинч-тотувлик ва барқарорликни таъминлаш йўлида халқларимиз ўртасидаги дўстлик риштaларини янада мустаҳкамлашга самимий ишонч билдиришга, шунингдек, Сизни — Сока университети муҳтарам фахрий докторини Японияга ташрифингиз чоғида олийгоҳда қутлаш кўп вақтдан буён бизнинг истагимиз бўлиб келаётганини маълум қилишга ижозат бергайсиз.

Сўзимнинг интиҳосида Сиздек буюк раҳбарга чин қалбдан мустаҳкам соғлиқ, янгидан-янги зафарлар ҳамда саховатли Ўзбекистон заминига мангу равнақ тилаб қоламан.

Чуқур ҳурмат ва эзгу ниятлар ила,

**Дайсаку Икеда,**
**«Сока Гаккай Интернэшнл» компанияси президенти.**

## Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Муҳтарам жаноб Президент Ислом Каримов!

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги ва Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик юбилейи муносабати билан Васеда университети номидан Сизга ва Ўзбекистон халқига самимий табрикларни улкан бир мамнуният ила йўлламоқчиман.

Васеда университети Ўзбекистоннинг тўрт етакчи олий ўқув юрти, жумладан, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети, Самарқанд давлат университети, Тошкент давлат иқтисодиёт университети, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети билан ўзаро ишонч битимларига эришган.

Ушбу келишувлар Васеда университетига мамлакатингиз билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш ҳамда илмий тадқиқот ва таълим соҳаларида фаолиятни ривожлантириш имкониятини яратди. Шу муносабат билан доимий кўмагингиз учун Сизга бўлган чуқур эҳтиромимизни изҳор этаман ва келгусида ҳам мустаҳкам алоқаларнинг ўрнатилишига умид билдираман.

Сўзим якунида мамлакатингизга ва халқингизга фаровонлик ва бахт-саодат тилаб қоламан.

Ҳурмат билан,

**Кацухико Шираи,**
**Васеда университети президенти.**

## Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Сизнинг Ўзбекистон Республикасида барқарорлик ва тараққиётни мустаҳкамлаш борасидаги саъй-ҳаракатларингизга эҳтиромимни билдиришга ва мамлакатингиз Мустақиллигининг 18 йиллиги билан чин қалбдан муборакбод этишга ижозат бергайсиз.

Ушбу муҳим сана муносабати билан Сиз, Президент Жаноби Олийларига ва Ўзбекистон халқига ўз эзгу тилакларимни изҳор этаман.

Ўзбекистон Республикаси ва Япония ўртасидаги дўстона алоқаларни мустаҳкамлаш йўлидаги саъй-ҳаракатларингиз учун Сизга чуқур эҳтиром билдиришга, шунингдек, чин дилдан мустаҳкам соғлиқ ҳамда Ўзбекистон Республикаси Сизнинг раҳбарлигингизда янада гуллаб-яшнашини тилак сифатида изҳор этишга ижозат бергайсиз.

Чуқур эҳтиром ила,

**Кёко Накаяма,**
**Япония бош вазири маслаҳатчиси,**
**Маслаҳатчилар палатаси депутати.**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ-ТИЖОРАТ

# ХАЛҚ БАНКИ

ЖАМОАСИ

*юртдошларимизни энг улуғ, энг азиз байрамимиз бўлган мамлакатимиз*

**МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 18 ЙИЛЛИГИ**

*ва азим*

**ТОШКЕНТНИНГ 2200**

*ёшга тўлиши муносабати билан самимий муборакбод этади.*



931R/1260

**Байрам муносабати билан сиз, азизларга янги «Байрам туҳфаси» ютуқли, «Талабалик — олтин даврим» ва «Яхши ният» жамғарилувчи ҳамда «Сармоя плюс» муддатли миллий валютадаги омонат турларини таклиф этади.**

**«Байрам туҳфаси»** омонат турига маблағлар жисмоний шахслар томонидан миллий валютада камида 20 000 (йигирма минг) сўм миқдорида нақд ва нақд пулсиз равишда, йиллик 22 фоиз даромад тўлаш шарти билан 2009 йилнинг 22 августидан 1 октябрига қадар қабул қилинади.

**«Талабалик — олтин даврим»** омонат турига маблағлар жисмоний шахслар томонидан миллий валютада нақд пулда, Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси миқдорида фоиз даромад тўлаш шарти билан 2009 йилнинг 22 августидан қабул қилинади. Мазкур омонат тури бўйича очилган ҳисобварақда жамғарилган маблағнинг 7 баробари миқдорида омонатчининг номига имтиёзли таълим кредити расмийлаштирилиши мумкин.

**«Яхши ният»** омонат турига маблағлар жисмоний шахслар томонидан миллий валютада нақд ва нақд пулсиз равишда, Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси миқдорида фоиз даромад тўлаш шарти билан 2009 йилнинг 22 августидан қабул қилинади. Мазкур омонат тури бўйича очилган ҳисобварақда жамғарилган маблағнинг 10 баробари миқдорида омонатчи номига уй-жой қуриш учун имтиёзли кредит расмийлаштирилиши мумкин.

**«Сармоя плюс»** муддатли омонат турига маблағлар миллий валютада 1 ойга йиллик — 28 фоиз, 2 ойга йиллик — 29 фоиз ва 3 ойга йиллик — 30 фоиз миқдорида даромад тўлаш шарти билан жорий йилнинг 22 августидан нақд пулда ва амалдаги омонат турларидаги маблағларни қайта расмийлаштириш йўли билан қабул қилинади.

**ХАЛҚ БАНКИДА АҲОЛИ ОМОНАТЛАРИНИНГ ДАХЛСИЗЛИГИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН КАФОЛАТЛАНГАН.**

МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОН: **150-12-91.**

*Хизматлар лицензияланган. Лицензия № 25.25.01.2003.*



ELXOLDING

*Ўқув-лаборатория жиҳозлари, кўргазмали қуроллари, мототехника, автоприцеп ва мева-сабзавотларни қуритиш ускуналарини ишлаб чиқарувчи*

# «ELXOLDING»

**илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси**

*барча юртдошларимизни Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 18 йиллиги умумхалқ байрами муносабати билан самимий муборакбод этади!*



Самарқанд ш., Гагарин к., 36.
Тел.: (+998 66) 234-08-47, (+998 66) 234-30-58.



THE PARK TURON

Азиз юртдошлар!

*«SUNSHUNE TURON INTERNATIONAL LTD» ХК, «THE PARK TURON» меҳмонхонаси жамоаси сизларни Мустақиллигимизнинг 18 йиллиги ҳамда азиз Тошкентимизнинг 2200 йиллиги муносабати билан чин дилдан муборакбод этади! Улуғ байрам кунларида барчангизга сиҳат-саломатлик, бахт, омад, оилаларингизга осойишталик тилаб қоламиз! Юртимиз тинч, халқимиз омон, осмонимиз мусаффо бўлсин!*

Dear Friends!

*FE «SUNSHINE TURON INTERNATIONAL LTD», Hotel «THE PARK TURON» is honored to congratulate the people of Uzbekistan and our Partners on the occasion of the Independence of Uzbekistan and 2200th anniversary of Tashkent city! We sincerely with you prosperity, happiness, success and piece in your families!*

945R/1310



Товар сертифицирован

INTEGRAL ASIA

Официальный дистрибьютор на территории Республики Узбекистан

DELL

**...от карманных компьютеров до серверов...**



**3 года полной гарантии !!!**

**Технологии, обеспечивающие уверенность**

**Тел.: 124-30-27, 120-30-27, 120-30-28. Факс 120-30-26.**


***Муҳтарам газетхон!***
***Газетамизнинг ушбу сонидаги қўшсаҳифа бепул илова қилинмоқда.***

# «ЎЗПАХТАСАНОАТ»

**уюшмаси, унинг Қорақалпоғистон Республикаси
ва вилоятлардаги ҳудудий бирлашмалари, тизимнинг
пахтани қайта ишлаш корхоналари жамоалари**

**Ўзбекистон аҳлини жонажон Ватанимиз**

## Мустақиллигининг 18 йиллиги
## ҳамда Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги

**билан самимий
муборакбод этади.**



*Хонадонингизни тинчлик-хотиржамлик,
дастурхонингизни қут-барака, қалбингизни
қувонч тарк этмасин.
Юртимиз тинч, ҳаётимизнинг
ҳар бир куни байрам
бўлсин!*



**«Республика Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ
ва унинг ҳудудий филиаллари**

**бошланғич баҳоси ошиб бориш
тартибида ўтказиладиган
очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

**I. РКМБ марказий идорасининг аукцион савдосига такроран** Ҳамза тумани СИБ томонидан (20.02.2009 й., 2-164-08-сонли ижро ҳужжати), Ҳамза тумани, Мўйноқ кўчаси, 241-уйда сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситаси қўйилмоқда: «Мерседес-Бенц Е-280» русумли, давлат рақами 14АЕ485 бўлган, 2007 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси.

Бошланғич баҳоси — 67 534 503 сўм.

**Аукцион савдоси 2009 йил 22 сентябрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.**

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, РКМБнинг ОАИТБ «Ипак йўли» банки «Сағбон» филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20210000300571452114, МФО: 01036, СТИР: 200933850.

Манзил: Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов тумани, М. Ўрозбоев кўчаси, 1-«А» уй. Телефон: 228-79-52.

**II. РКМБ Хоразм вилояти филиалининг аукцион савдосига** Урганч шаҳар суд ижрочилари бўлими томонидан хатланган (16.03.2007 й. 370-сонли, 05.10.2007 й. 6262-сонли, 31.12.2007 й. 7075-сонли, 04.08.2008 й. 3894-сонли, 23.09.2008 й. 4918-сонли, 17.10.2008 й. 7707-сонли, 25.11.2008 й. 9892-сонли, 11.05.2009 й. 2483-сонли ижро ҳужжатлари), «Хоразм вилояти МТП бирлашмаси» ОАЖга қарашли бўлган, Урганч шаҳри, Хонқа кўчаси, 36/2-уйда жойлашган, умумий ер майдони 3920,53 кв.м.ни, шундан қурилиш ости ер майдони 569,38 кв.м.ни ташкил қилган маъмурий бино, ҳожатхона биноси, чорбоғ девори атрофидаги асфальт майдонлар, йўлаклар ва телефон алоқаси минораси қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 200 310 900 сўм.***

Қурилиш ости ер майдони 189,02 кв.м.ни ташкил қилган меҳмонхона биноси қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 32 415 300 сўм.***

**Аукцион савдоси 2009 йил 6 октябрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.**

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, РКМБнинг Хоразм вилояти филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20210000700571452056, АТИБ «Ипотекабанк»и «Тинчлик» филиали, МФО: 00580, СТИР: 200933850.

Манзил: Хоразм вилояти, Урганч шаҳри, Й. Бобожонов кўчаси, 23-уй.

Телефон: (8-362) 226-32-63. Факс: (8-362) 226-43-64.

**Юқоридаги мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади.**

www.rkmb.uz

*Лицензия: DB 001 № 000004.*

## «АЗИЯЭЛЕКТРОЭНЕРГИЯ»

### *Ҳурматли ватандошлар!*

*«Азияэлектроэнергия» корхонаси сизни
Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 18 йиллиги
ва пойтахтимиз — Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик байрамлари
билан самимий муборакбод этади.*

*Мустақиллигимиз абадий бўлсин!
Боқий бўл, азиз ва обод Тошкентим!*




**ЭЛЕКТРОТЕХНИКА УСКУНАЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОРХОНАСИ**

**«Росагропромснаб» МЧЖ**

## ТУРЛИ ХИЛ ГАЗ ЖИҲОЗЛАРИНИ

**ТАКЛИФ ЭТАДИ**

- **УЛЬТРАТОВУШЛИ ГАЗ ЎЛЧАГИЧЛАРИ**
- **5 м³/соатдан 500 м³/соатгача БЎЛГАН ГАЗ ТАҚСИМЛАГИЧ ШКАФЛАРИ**
- **ЮҚОРИ, ЎРТА ВА ПАСТ БОСИМЛИ ГАЗ МЕЪЁРЛАГИЧЛАРИ**
- **ПЗК фильтрлари, ИЗО муфталари**



Маҳсулот сертификатланган.

**Т./ф.: 273-16-40, 276-90-57, 276-97-90.**

Манзил: Тошкент ш., Чилонзор мавзеси, Ц-даҳаси, 6-уй.
Мўлжал — «Шуҳрат» дўкони жойлашган чорраҳа.

**CSP ПП «CHIRCHIQ SHANXAY PLAST»**

## ПРЕДЛАГАЕТ

**НАПОРНЫЕ ПОЛИЭТИЛЕНОВЫЕ**

## ТРУБЫ

СКИДКИ ОТ ОБЪЕМОВ.

**ДИАМЕТРОМ ОТ 16 мм ДО 1 200 мм
ДЛЯ ГАЗА, ПИТЬЕВОЙ ВОДЫ И КАНАЛИЗАЦИИ.**

ПРОИЗВОДИТ МОНТАЖНО-УКЛАДОЧНЫЕ РАБОТЫ.

*Товар сертифицирован, гарантия — 5 лет, срок службы — 50 лет.*
www. pipeline.uz

Адрес: г. Чирчик, ул. Амира Темура, 22.
Головной офис: г. Ташкент, ул. Шайхантохур, 36, 3-й этаж, бизнес-центр «ЛАБЗАК».
Тел./факс: 241-70-06, 244-83-00,
моб. (+998 93) 547-49-75, (+998 90) 995-19-99.
e-mail: sedou2006@yandex.ru




**Мамлакатимизда мустақиллик йилларида Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган кенг кўламли изчил ислоҳотлар туфайли саноат корхоналари фаолияти ҳам сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилди. Шаҳар ва қишлоқларимизда замонавий дастгоҳ-ускуналар билан жиҳозланган кўплаб янги корхоналар ишга туширилди, эскилари техник ва технологик жиҳатдан тубдан янгиланди.**

# ХОРАЗМ ГИЛАМЛАРИ — ХОНАДОНИНГИЗ КЎРКИ

Бундай ўзгаришлар саноатни янада ривожлантириш, сифатли, жаҳон бозорида харидоргир маҳсулотлар ишлаб чиқариш имкониятларини яратаётир. Хива шаҳридаги “Хоразм гиламлари” масъулияти чекланган жамияти фаолияти бунинг ёрқин далилидир.

Айтиш жоизки, Президентимизнинг 2008 йил 18 ноябрдаги “Иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони талабларидан келиб чиқиб, “Хива Карпет” қўшма корхонаси банкрот деб топилган эди. “Хоразм гиламлари” МЧЖ ушбу корхона негизида ташкил этилди. Корхонанинг янгидан иш бошлаши Хоразм гиламлари шуҳратини янада оширди.

Гиламдўзлик — хоразмликларга ота мерос касб. Қадимдан бу ерда тўқилган гиламлар чинакам санъат асари даражасига кўтарилган. Эндиликда гиламлар корхонанинг замонавий дастгоҳларида саноат усулида, катта ҳажмда ишлаб чиқарилаяпти.

Корхонада жорий йилнинг ўтган етти ойида 1 миллиард 808 миллион сўмлик гилам ва гилам маҳсулотлари, 164,2 тонна пишитилган калава ип ишлаб чиқарилди. Шунингдек, 1 миллиард 170 миллион сўмлик халқ истеъмоли моллари тайёрланди.

Ҳозирда корхонада 461 нафар ишчи-хизматчи меҳнат қилмоқда. Бу кўрсаткич йил охиригача 654 нафарга етказилиши режалаштирилган. Бундан ташқари, 25 нафар киши касаначилик асосида меҳнатга жалб қилинади.

Корхонада ишлаб чиқаришни ривожлантириш билан

**Фармон ва ижро**

бирга, тайёр маҳсулотларни харидорларга ўз вақтида етказиб бериш ишларига ҳам алоҳида эътибор қаратиляпти. Шу мақсадда бугунга қадар мамлакатимизнинг деярли барча вилоятларида 19 та савдо шохобчаси очилди. Бундай саъй-ҳаракатлар ўз натижасини берди. Қисқа вақт мобайнида 1 миллиард 635 миллион сўмлик тайёр маҳсулотлар харидорларга сотилди. Корхона яқинда халқаро сифат сертификати олгани мижозларнинг янада кўпайишига хизмат қилаяпти.

Жамиятнинг маркетинг ва ташқи иқтисодий алоқалар бўлимида гиламчилик бўйича дунёнинг етакчи давлатларининг иш тажрибалари чуқур ўрганилади. Жаҳон бозоридаги гиламга бўлган талаб атрофлича таҳлил этиб борилади. Шу тариқа маҳсулотларни фақат ички бозорда эмас, балки ташқи бозорда ҳам кўп миқдорда сотиш мўлжалланмоқда. Айни пайтда йил охиригача ишлаб чиқариш режалаштирилган 480 минг кв.м. гилам маҳсулотларининг 10 фоизини, яъни 480 минг АҚШ долларилик гиламлар экспорт қилиниши кўзда тутилган. Ҳозирги кунда ташқи бозордаги харидорлар билан экспорт ишларини амалга ошириш бўйича шартномалар тузилмоқда.

— Бугунги кунда Германия, Бельгия давлатларидан келтирилган энг замонавий гилам тўқиш дастгоҳларида ишлаяпмиз, — дейди корхона директори Эркин Отажонов. — Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида дунё иқтисодиётидаги ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда, маҳсулотимизга бўлган талабдан келиб чиқиб, унинг таннархини арзонлаштириш, сифатини оширишга қаратилган лойиҳалар амалга татбиқ этиляпти. Жумладан, корхонадаги қозонхона ва сув ҳайдаш станцияларини янгилаш, эскираётган ускуна ҳамда дастгоҳларни серунум, замонавий турларига алмаштириш, шу асосда электр энергия сарфини 20 фоизга ва бошқа сарф-харажатларни сезиларли даражада камайтириш чоралари кўрилмоқда.

Бундай интилишлар ишлаб чиқариш кўламини янада кенгайтириш, маҳсулот турларини кўпайтириш, юқори сифат кўрсаткичларига эришишга хизмат қилади. Зотан, Хоразм гиламдўзлари келгусида хорижликларнинг хонадонларини ҳам ўзлари тўқиган гиламлари билан безашлари, шубҳасиз. Мустақил юртнинг гўзалликка бурканган гиламлари дунё кезишга, шон-шуҳратга эга бўлишга арзийди.

**Ойбек РАҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ТОШКЕНТ ЮБИЛЕЙИГА БАҒИШЛАНГАН ПОЧТА МАРКАЛАРИ

***Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига бағишланган почта маркаларининг махсус сўндириш маросими бўлиб ўтди.***

Ўзида меъморчиликнинг қадимий ва замонавий анъаналарини мужассам этган пойтахтимиз қиёфаси 2200 йиллик юбилей арафасида таниб бўлмас даражада ўзгарди. Ушбу байрам муносабати билан Тошкент почтамптида Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги томонидан Тошкент шаҳар ҳокимлиги, “Ўзбекистон почтаси” ОАЖ билан ҳамкорликда почта маркаларини махсус сўндириш маросими бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Фанлар академияси, Ўзбекистон филателистлар жамияти ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Тошкент юбилейига бағишланган почта маркаларида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг, Тошкент халқаро бизнес-маркази, Темурийлар тарихи давлат музейи, “Туркистон” саройи, Ҳазрати Имом мажмуаси, Бароқхон мадрасаси, Қатағон қурбонлари хотираси музейи бинолари ҳамда Буюк Ипак йўли харитасининг кўринишлари акс эттирилган.

**Виктор НИКОЛАЕВ,**
**ЎзА мухбири.**



MIKROKREDITBANK

**_Шаҳару қишлоқларимиз кундан-кунга чирой очиб бормоқда. Барпо этилаётган бирбиридан салобатли иншоотлар, ободончилик ишларига боқиб кўнгил яйрайди. Бундай ўзгаришлар мамлакатимиз Мустақиллигининг 18 йиллиги кенг нишонланаётган жорий йилда, айниқса, яққол кўзга ташланмоқда._**

**_Таъкидлаш жоизки, бундай ўзгаришларда молия муассасаларининг ҳам муносиб улуши бор. Зеро, улар томонидан ажратилаётган имтиёзли кредитлар кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ташкил этиш, импорт ўрнини босувчи ва рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқариш, янги иш ўринлари яратиш, бир сўз билан айтганда, юртимиз фаровонлигига хизмат қилмоқда. Шу боис ҳам одамларнинг банкларга бўлган ишончи ошиб бораяпти. Бу аҳоли томонидан қўйилаётган омонатлар миқдори йил сайин кўпайиб бораётганидан ҳам яққол сезилади._**

# САРМОЯЛАР ТАРАҚҚИЁТГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Президентимизнинг 2008 йил 10 ноябрдаги “Микрокредитбанк” акциядорлик тижорат банкининг тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш борасидаги фаолиятини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони, айтиш жоизки, тизим ходимларининг фаоллигини оширишда муҳим омил бўлди.

— Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари, фермер ва деҳқон хўжаликлари ишлаб чиқариш фаолиятини кенгайтиришлари учун микрокредитлар бериш, уларга кенг кўламда банк хизматлари кўрсатиш, микролизинг йўли билан микрофирмалар, оилавий бизнес ва касаначиликнинг ривожланишини қўллаб-қувватлаш зиммамиздаги асосий вазифадир, — дейди банкнинг Самарқанд вилояти филиали раҳбари Олим Баҳриев. — Айни пайтда биз 14549 мижозга ана шундай хизмат кўрсатаяпмиз ва жорий йилнинг биринчи ярмида уларга 2768,1 миллион сўм миқдорида имтиёзли микрокредит ажратдик.

### Қишлоқда саноат ривожланмоқда

Вилоятда “Микрокредитбанк” кредитлари ҳисобига ишлаб чиқаришни йўлга қўйган, хусусан, қишлоққа саноатни олиб кираётган тадбиркорлар кўплаб топилади. Улар билан суҳбатлашсангиз, мамлакатимизда ишбилармонлар учун барча шарт-шароитлар яратилгани, бунда, айниқса, банкнинг беминнат хизмати ва имтиёзли кредитлари қўл келаётганини алоҳида эътироф этишади.

— “Микрокредитбанк”нинг Ургут филиалидан 8 миллион сўмлик имтиёзли кредит олгандик, — дейди Ургут туманидаги “Behbud Bahodir Uramas” хусусий корхонаси раҳбари Эргаш Мелиқулов. — Бу сармояни ишлаб чиқаришга йўналтирдик. Айни пайтга келиб аҳоли учун турли-туман мебеллар тайёрлаяпмиз.

Оқдарё туманининг “Ойтамғали” маҳалла фуқаролар йиғинида жорий йил бошида иш бошлаган “Гулрухсора-Озода чевари” хусусий фирмаси жамоаси ҳам “Микрокредитбанк” хизматидан мамнун. Чунки ушбу фирма банкнинг Лойиш филиалидан олинган 5 миллион сўм миқдоридаги кредит ҳисобига фаолиятини кенгайтирди: янги иш ўринлари очилиб, костюм-шим тайёрлаш ўзлаштирилди, шунингдек, касаначилик йўлга қўйилди.

Булунғур туманидаги “Бобобеков Бобуржон Баҳриддин Нури” фермер хўжалиги ва Жомбой туманидаги “Terra INS” хусусий корхонаси паррандачилик билан шуғулланади. Уларнинг ҳар бири жўжа сотиб олиш учун банк филиалларидан 14 миллион сўмдан микрокредит олишган эди. Эндиликда мазкур жамоалар аҳолига арзон ва сифатли парранда гўшти ҳамда тухум етказиб бермоқда.

“Микрокредитбанк” фаолиятидан бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Зотан, унинг сармоялари саноатни қишлоққа олиб кириш ва жадал ривожлантиришда муҳим омил бўлаяпти.

**Молия муассасаларида**

### Микролизингга ғишт заводи

Мустақиллик даврида қишлоқ аҳолисининг турмуш тарзи ҳар томонлама яхшиланиб бораётгани барчани қувонтиради. Буни қишлоқларимиз қиёфаси замонавий уй-жойлар ҳисобига янада чирой очиб бораётганидан ҳам кўриш мумкин. Лекин баъзи жойларда шу пайтгача асосий қурилиш ашёси ҳисобланган пишиқ ғишт тақчил эди.

Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида бундай муаммолар ечимини топишда банк ҳам ёрдамга келди. Биргина Самарқанд вилоятида “Микрокредитбанк” сармоялари ҳисобига ўнлаб ғишт ишлаб чиқарувчи корхоналар фаолият кўрсата бошлади. Улардан бири банкнинг 15 миллион сўм микролизинг хизматидан фойдаланган “Булунғур Оча Ғишт” хусусий корхонасидир.

Ушбу корхонада ишлаб чиқариш бошланган дастлабки кунларданоқ унинг маҳсулотларига талаб ортиб борди. Эндиликда Булунғур туманида барпо этилаётган уй-жойлар ва ижтимоий соҳа объектлари шу ерда ишлаб чиқарилган ғиштлар ҳисобига қад ростлаяпти.

### Ёшлар учун иш ўринлари

— Ёшлар учун янги иш ўринлари яратиш, уларни тадбиркорликка жалб этиш, бугуннинг энг муҳим вазифаларидан биридир, — дейди О. Баҳриев. — Президентимизнинг 2007 йил 18 майдаги “Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони бу борада бир қатор вазифаларни белгилаб берди. Ҳозирги кунда уларнинг хусусий тадбиркорликни ташкил этиш, уй-жой қуриш, таъмирлаш, сотиб олиш, рўзғор учун зарур маиший жиҳозлари харид қилишида бизнинг кредитларимиз муҳим ўрин тутаяпти.

Шу йилнинг етти ойи ичида ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш мақсадида банк томонидан 153 миллион сўм миқдорида истеъмол кредитлари, 193 миллион сўм миқдорида микрокредитлар ажратилди. Бундан ташқари, микрокредитлар ҳисобига ёшлар учун 162 та янги иш ўрни яратилди.

Шу ўринда банкнинг тадбиркор аёлларни қўллаб-қувватлаш борасидаги амалий ишлари ҳақида ҳам тўхталиб ўтиш жоиз. Негаки, 2009 йилнинг ўтган даври мобайнида тадбиркор аёллар учун банк ўз маблағларидан 926,1 миллион сўм кредит ажратди. Бунинг ҳисобига вилоятда 558 нафар хотин-қиз доимий иш билан таъминланди.

### Мўл-кўлчилик манбаи

Қишлоқ хонадонларини чорва молларисиз тасаввур этиш қийин. Чунки чорва — рўзғор тўкинлиги, қут-баракa манбаи. Чорваси бор оиланинг дастурхонидан сут, қатиқ, сариёғ аримайди.

Мамлакатимизда Президентимизнинг “Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва моллар кўпайтиришни рағбатлантиришни кучайтириш ҳамда чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори қишлоқдаги ҳар бир оилада чорвачиликни ривожлантиришга хизмат қилаяпти. Мазкур қарор асосида “Микрокредитбанк”нинг Самарқанд вилояти филиалида ҳам муайян ишлар бажарилди. Жумладан, 2009 йилнинг ўтган даврида банк ўз маблағи ҳисобидан шахсий ёрдамчи хўжаликлар ривожи учун 284 миллион сўм кредит ажратгани диққатга сазовордир.

Президентимизнинг 2007 йил 21 майдаги “Ўзбекистон Республикасида 2010 йилгача бўлган даврда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори эса аҳоли турмуш маданиятини юксалтиришга қаратилган муҳим ҳужжатлардан бири бўлди. Мазкур қарор асосида 321,2 миллион сўм ҳажмида кредит ажратилди. Бу белгиланган режа 154 фоизга бажарилди, демакдир. Соҳа бўйича ажратилган кредитлар ҳисобига 246 та янги иш ўрни яратилгани эса янада қувонарлидир.

### Тадбиркорга яна бир имконият

Президентимизнинг “Микрокредитбанк” акциядорлик тижорат банкининг тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш борасидаги фаолиятини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони банкнинг кредитлаш имкониятларини янада кенгайтириб, уларнинг фоиз устамаларини пасайтиришга қаратилган. Бу кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг янада ривожланишига қўшимча имкониятлар яратаётир.

Масалан, эндиликда тадбиркорлик фаолиятини бошлаш учун 18 ойгача бўлган муддатга бериладиган энг кам иш ҳақининг 200 баробари миқдоридаги имтиёзли микрокредитлар бўйича максимал ставкани йиллик 5 фоиздан 3 фоизгача, кичик бизнес субъектлари фаолиятини кенгайтириш ва айланма маблағларни тўлдириш учун 24 ойга бериладиган энг кам иш ҳақининг 500 баробари миқдоридаги микрокредитлар бўйича қайта молиялаштириш ставкасининг 100 фоиздан 50 фоизга, яъни йиллик 14 фоиздан 7 фоизга, кичик бизнес субъектлари учун 3 йилгача муддатга бериладиган энг кам иш ҳақининг 2000 баробари миқдоридаги имтиёзли микролизинг хизматлари бўйича максимал ставканинг 7 фоиздан 5 фоизга туширилиши ана шу имкониятларнинг яққол мисолидир.

Бу юртдошларимизнинг тадбиркорлик қобилиятларини юзага чиқариш, импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар тайёрлашни ўзлаштириш, энг муҳими, янгидан-янги иш ўринлари яратишда муҳим аҳамият касб этаётир.

**Абдурасул САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Рақамлар сўзлайди

- *2009 йилнинг ўтган даври мобайнида “Микрокредитбанк” ОАТБ Самарқанд вилояти филиали бўйича жами макромолиявий хизматлар тармоғида 1118 та мижозга 3040,8 миллион сўм миқдорида кредитлар ажратилган.*

- ***852 мижозга янги ташкил этилган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига бошланғич сармояни шакллантириш учун 922,6 миллион сўм, 252 мижозга бизнесни ривожлантириш ва айланма маблағларни тўлдириш учун 2118,2 миллион сўм миқдорида микрокредитлар берилди.***

- *Макромолиявий хизматлар эвазига 2824 та янги иш ўрни яратилди.*

- **Банк омонатларига 1356,9 миллион сўм, жумладан, жисмоний шахсларнинг муддатли омонатларига 209,8 миллион сўм, аҳолининг пластик карточкалар бўйича омонатларига 192,5 миллион сўм жалб қилинган. Жами қўйилган омонатлар миқдори 2009 йилнинг 1 август ҳолатига кўра 2258,8 миллион сўмга етди. Яъни, йил бошидан буён 110 фоизга кўпайди.**

- *2009 йилнинг 1 август ҳолатига кўра, иш ҳақи лойиҳаларига берилган пластик карточкалар сони 11970 тани, савдо ташкилотларига ўрнатилган терминаллар 130 тани ташкил этган.*

- **Жорий йилнинг етти ойида терминаллар орқали 2339,5 миллион сўмлик ҳисоб-китоб ишлари амалга оширилди. Терминал ва банкоматлардан берилган нақд пуллар 409,1 миллион сўмни ташкил этади.**



# ҚВП: ЗАМОНАВИЙ, ҚУЛАЙ ВА ТЕЗКОР

**_Мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар, энг аввало, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, чекка ҳудудларда ҳам тиббий хизмат кўрсатишни тубдан яхшилашга қаратилган._**

Истиқлол йилларида қишлоқ врачлик пунктлари ташкил этилиб, уларнинг фаолияти такомиллаштирилгани беморларнинг шу ҳудуднинг ўзида соғлиқларини тиклаш имконини берди.

**Саломатлик**

Қорақалпоғистон Республикаси Чимбой туманида ҳам бу борада муайян ишлар амалга оширилмоқда. Тумандаги “Кенгес” хўжалигида истиқомат қилаётган 6367 нафар аҳолига шу ерда жойлашган 9-сонли қишлоқ врачлик пункти томонидан хизмат кўрсатиб келинаётир.

Айтиш жоизки, ушбу тиббиёт маскани “Саломатлик — 2” лойиҳаси доирасида замонавий тиббий асбоб-ускуналар ва жиҳозлар билан тўлиқ таъминланган бўлиб, беморларни даволаш учун барча шарт-шароитларга эга.

Чекка ҳудудда яратилган бундай шароит ҳамда шифокорларнинг беминнат хизматидан, айниқса, қишлоқ аҳолиси хурсанд.

**СУРАТДА:** ҳамшира Палзада Тилеумуратова, амалиёт шифокори Бибижамол Боймирзаева ва шифокор Венера Султонова.

**Арслон КАННАЗАРОВ (ЎзА) олган сурат.**

# ЯНГИЛАНГАН МАКТАБ БИНОСИ

**_Наманган шаҳрининг Бешкапа кўчасида жойлашган 17-мактаб томон борар эканмиз, қуюқ ўсган баланд тераклар орасида кўп қаватли бинолар кўзга ташланди._**

Унга яқинлашганимизда нуроний бир отахон бизга пешвоз чиқди. Салом-аликдан кейин у киши юрагини очди:

— Қаранг, мактаб биноси жуда чиройли таъмирланибди, — деди у эътиборимизни уч қаватли муҳташам бинога қаратиб. — Кўпдан буён бу кўчадан ўтмаган эдим. Ростини айтсам, мактабнинг кўрку жамолидан қувониб, бошим кўкка етди. Илгари мактаб деганда оддий бинони тасаввур қилар эдик. Эндиликда улар ўз жозибаси билан кишини ҳайратга солади. Болаларимизнинг келажагини деб кўрсатилаётган бундай ғамхўрлик учун Президентимиздан ҳар қанча миннатдор бўлсак кам.

**Умуммиллий дастур — амалда**

Юзларидан нур ёғилиб турган отахон билан хайрлашиб, мактаб ҳовлисига кирдик. Бинони уч томондан қуршаб турган баланд тераклар ажиб бир микроиқлим яратган. Асосий бинонинг олд қисмидаги хиёбонда ранг-баранг гуллар чаман-чаман бўлиб очилган. Шундай файзли ва шинам жойда таълим олаётган болаларга беихтиёр ҳавас қиласиз.

— Мактаб биноси анча эскириб қолган эди, — дейди биз билан суҳбатда унинг директори Жамилахон Воҳидова. — Бу ерда 1100 нафар ўғил-қиз ўқийди. У вилоятдаги энг йирик таълим маскани ҳисобланади. Умумий майдони 4 гектарни ташкил қилади. 3 қаватли асосий, 4 та 2 қаватли бинога эгамиз. Уларда 52 та синф хонаси мавжуд. Мажлислар, спорт заллари бор. Биринчи қаватда 150 ўринли ошхона ва буфет жойлашган. Илгари мактаб биноларининг томларидан чакка ўтгани, полларнинг яроқсиз ҳолга келгани, деворларидаги сувоқларининг тўкилиб ва иситиш тизимининг ишдан чиққанлигидан азият чекардик. Юртбошимизнинг мактабларга эътибори бизга қанот бағишлади, гўё. Мукаммал таъмирлаш ишларини олиб бориш учун “Олимжон” кўп тармоқли ишлаб чиқариш ҳамда савдо хусусий фирмаси билан шартнома туздик. Фирма жамоаси фидойилик кўрсатиб, қисқа вақтда таъмирлаш ишларини тугатди.

— Жамоамиз мактаб биноларини таъмирлаш жараёнида асосий эътиборни иш сифатига қаратди, — дейди фирма раҳбари Ҳакимжон Пўлатов. — Объектни белгиланган муддатда топшириш учун ҳар бир кундан унумли фойдаланиб, астойдил меҳнат қилинди. Иш юритувчи Собиржон Бойдедаев, пардозловчилар гуруҳи бошлиғи Собиржон Жалолов, таъминотчи Жалолиддин Пўлатов, сувоқчи Воҳиджон Ғойибназаров, бўёқчи Ҳамидхон Исоқов ва ишчи Исроилжон Мажидов каби жамоамиз аъзолари унумли ишлаш борасида алоҳида намуна кўрсатдилар.

Наманган шаҳридаги Рафиқ Мўмин номли ва “Баҳор” маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳудудида яшовчи аҳолининг шодлиги чексиз. Улар Мустақиллигимизнинг 18 йиллиги ва мукаммал таъмирдан чиқарилган жонажон мактабнинг очилиш тантаналарининг шоҳиди бўлишаётир. Бу қўшалоқ байрамлар мактаб ўқитувчи ва ўқувчилари ҳамда маҳаллаларда истиқомат қилувчи ота-оналар кайфиятини кўтариб, уларга олам-олам қувонч бахш этмоқда.

**Эркин ҚАМБАРОВ.**









“ELXOLDING” илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси жамоаси бирлашма консультанти, педагогика фанлари доктори, профессор Рисбой Жўраевга укаси **Ихтиёр ЖЎРАЕВнинг** вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.

“Ўзархив” агентлиги жамоаси Самарқанд вилояти архив иши бошқармаси бошлиғи Абдуолим Маматовга рафиқаси **Гулчеҳра МАМАТОВАнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ЎзР ФА Математика ва информацион технологиялар институти жамоаси иқтисод фанлари доктори, профессор **Мадаминбек ИРМАТОВнинг** вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия билдиради.

Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси жамоаси “O'zbekiston” телерадиоканали режиссёри, меҳнат фахрийси **Гумар НУГАЕВнинг** вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига ҳамдардлик билдиради.

Тошкент давлат иқтисодиёт университети ректорати ва Бирлашган касаба уюшмаси қўмитаси аудит кафедраси доценти **Туроб Маҳмудович АЪЗАМОВнинг** вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Физиология ва биофизика институти жамоаси Электрофизиология лабораториясининг мудири, биология фанлари номзоди Қобил Носировга онаси **Ўктама ая НОСИРОВАнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

**Юртимизда энг улуғ, энг азиз байрамимиз — Истиқлолнинг 18 йиллиги кўтаринки руҳда нишонланмоқда. Комил ишонч билан айтишимиз мумкинки, шу ўтган фурсат мобайнида Президентимиз раҳнамолигида янгича ҳаёт қуриш йўлида олиб борилган эзгу саъй-ҳаракатлар боис, асрларга татигулик ютуқларни қўлга киритдик.**

# БЕБАҲО НЕЪМАТ ҚАДРИ

Тобора чирой очиб бораётган шаҳару қишлоқларимиз, тенгсиз иқтидорини намоён этиб, оламшумул ютуқларга сазовор бўлаётган ёшларимиз, нуроний кексаларнинг мамнуният балқиб турган чеҳралари шундан далолатдир.

**Ифтихор**

Мен оддий ишчиман. Ўттиз йилдан ошдики, алоқа ва телекоммуникация соҳасида меҳнат қиламан. Шу боис ушбу тизимдаги бугунги ўзгаришлар, янгиланишлар хусусида тўлиқ тасаввурга эгаман. Мисол учун, биргина жорий йилнинг ўтган даврида Хоразм вилоятининг 21 та қишлоғида янги замонавий алоқа станциялари ишга туширилди. Эндиликда қишлоқ бўлишига қарамай, одамлар уйда ўтириб, дунёнинг исталган мамлакатига сим қоқиб боғланишлари мумкин.

Қувонарли томони шундаки, аҳоли турмуши фаровонлигини ошириш мақсадига қаратилган бу каби чора-тадбирлар мамлакатимизда изчил амалга оширилаётир. Табиийки, бундай дориламон кунлар дилда шукроналик туйғусини уйғотади. Эсласак, бир замонлар қишлоқ билан шаҳар ўртасида осмон билан ерча фарқ бор эди. Деҳқон уззу-кун офтоб тиғида меҳнат қилардию рўшнолик кўрмасди. Бугун ҳаммаси бошқача. Қишлоқ одамлари фермер, тадбиркор, обрў-эътиборли шахс сифатида тенглар ичра тенг бўлиб яшамоқдалар. Шундай экан, ҳар биримиз Истиқлолнинг қадрига етиб, ўз меҳнатимиз, ташаббускорлигимиз билан фаровон ҳаётимиз барқарорлигини таъминлашга муносиб ҳисса қўшмоғимиз даркор.

**Зийнат ЖУМАНИЁЗОВА,**
**«Шуҳрат» медали соҳибаси,**
**«Хоразмтелеком» филиали мутахассиси.**

# ИСТИҚЛОЛ ШАРОФАТИ

***Жаҳонда шундай шаҳарлар бўладики, уларнинг толеи ўша шаҳарга мансуб халқнинг тарихида ёрқин саҳифа бўлиб қолади. Унинг пешонасига юксак мартаба — яъни шу халқ, шу давлат пойтахти бўлишдек тақдир насиб этади. Жаҳонда ҳамма шаҳарлар ҳам пойтахт эмас. Бизнинг Тошкентимиз мустақил ва озод Ўзбекистоннинг шарафли пойтахтидир. Зеро, ҳамма нарса Яратганнинг инъоми билан бўлади, толею тақдир ҳам, шон-шараф ҳам.***



"Шарқ дарвозаси", деган қутлуғ таъриф ҳамма шаҳарларга ҳам берилавермайди. Ҳа, чиндан ҳам Тошкент — Шарқнинг дарвозаси. Бу дарвозадан Буюк Ипак йўли ўтган, не-не зукко олим ва адиблар қутлуғ қадамларини ташлаб шаҳарга кириб келганлар, истиқомат қилганлар.

Тошкент соҳибқирон Амир Темурнинг мубо-рак назари тушган табаррук заминдир. У бу

**Дил сўзи**

шаҳарга алоҳида эътибор берган. Бу ерда бўлган пайтларида шаҳарни кезиб, уни обод қилиш йўлларини излаган. Айтиш мумкинки, Тошкент Амир Темур салтанатининг таянч шаҳарларидан, метин қалъаларидан бири эди.

Тошкент бугунги кунда жаҳон андозаларига бемалол жавоб бера оладиган, боққан кўзларни қувнатадиган хушманзара боғу хиёбонларга, кўркам ва улуғвор биноларга бой шаҳарга айланди. Истиқлол шарофати билан у ўзбек халқининг фахру ифтихорига, тарихининг ёрқин тимсолига айланди.

**Муҳаммад АЛИ,**
**Ўзбекистон халқ ёзувчиси.**

# ТОЛЕИМДАН МАМНУНМАН

***Шогирдларим кўпинча: "Устоз, сиз жуда бахтлисиз-да. Шогирдларингиз кўп, ёзган дарсликларингиз қўлма-қўл. Йиғинларда давра тўридасиз, бизга ҳам сизнинг йўлингизни берармикан?" — деб сўроққа тутишади.***

***— Бахтлиман, — дейман уларга. — Бахтим шундаки, мен тенгиларга Ватан озодлиги, Мустақиллигини кўриш, эмин-эркин яшаш, меҳнат қилиш насиб этди.***

Эришиб бўлмасдек туюлган орзу-ниятларимга етдим. Тахмонларда тахланиб ётган қўлёзмаларим дарслик, қўлланма бўлиб шогирдларим қўлига тегди.

Айни пайтда мен меҳнат қилаётган Олтинкўл туманидаги иқтисодиёт коллежининг кўп қаватли биносини кўрганларнинг баҳридили очилади, хоналарнинг кенг ва ёруғлигидан, замонавий ўқув жиҳозларидан ташқари, яратилган шарт-шароитлар ҳар қандай одамнинг ҳавасини келтиради. Ўтган йили қуриб битказилган сув ҳавзаси камдан-кам учрайди. Буларнинг ҳаммаси талаба ёшлардан тортиб биз, устоз-мураббийларга Истиқлол аталмиш улуғ неъмат улашаётган бахтнинг олмос қирраларидир.

**Шукроналик**

Ўрта ҳамда катта ёшдаги кишилар ўн саккиз йил наридаги "СПТУ" билан ҳозирги коллежлар ўртасидаги тафовут ер билан осмонча эканини яхши билишади. Илгари бундай даргоҳларга, асосан, мактабда ёлчитиб ўқимайдиган лаёқатсиз, уқувсиз болалар юборилларди. Бугун бу ҳақда ёшларга айтсак, эртакдек туюлади.

Буларнинг ҳаммаси эндигина навқирон ёшга тўлган Ватанимиз куч-қудрати, имконияти, салоҳиятининг амалдаги намойишидир. Ва яна бир муҳим жиҳати, ўз келажаги, тақдирига масъул бўлган ёш авлоднинг ҳар томонлама баркамол инсон бўлиб камол топиши йўлида ташланаётган қутлуғ қадамлардир.

Истиқлол аслида бахти чарақлаган, иқболи кулган, пешонаси ярқираган инсонларга берилган улуғ ва буюк неъматдир. Шукрки, мен ва шогирдларим, мамлакатимиздаги барча пок ниятли инсонлар, Истиқлолни азиз билганлар ана шу бебаҳо неъматдан баҳраманддирлар.

**Абдушукур МАМАТҚУЛОВ.**

**Фахр**

***Мен саккиз ёшимдан бошлаб дзюдо, кейинчалик эса футбол билан шуғулланганман. 1994 йилда, яъни ўн икки ёшимда шаҳардаги спорт-соғломлаштириш марказида каратэ тўгараги борлигини эшитиб, ўша ерга бордим. У ерда тажрибали мураббий Алишер Содиқовга шогирд тушдим. Қилган меҳнатларим эвазига бир йил ичида Ўзбекистон чемпиони бўлишга эришдим.***

# СПОРТ – ЮРТ ДОВРУҒИ ДЕМАК

Кейинчалик кўплаб нуфузли мусобақаларда қатнашиб, ғалаба қозондим. Хусусан, мен учун энг муҳими ва эсда қоларлиси бундан уч йил муқаддам Қатар пойтахти Доҳада ўтган XV Осиё ўйинлари бўлди. Биласиз, каратэ ҳали Олимпиада ўйинларига киритилмаган. Осиё ўйинлари эса биз учун Олимпиада даражасидаги мусобақалардан саналади. Шу сабабли мусобақага бир йил мобайнида қаттиқ тайёргарлик кўрдим. Саралаш беллашувларида КХДР, Макао, Хитой Тайпейи вакилларини катта устунлик билан мағлубиятга учратдим. Финалда Бирлашган Араб Амирликларининг тажрибали спортчиси Майта ал-Мактум рақиб бўлди. Ўша кунлари терма жамоамиз учун ҳар бир медаль муҳим эди. Рақибимни енгиб, олтин медални қўлга киритган пайтдаги қувончимни ҳеч нарсага қиёслаб бўлмайди.

Яқинда Таиланд пойтахти Бангкок шаҳрида яккакураш спорт турлари бўйича I Осиё ўйинлари ўтказилди. Унда қирқ беш мамлакатдан келган 2500 нафар иштирокчи тўққизта спорт тури бўйича иштирок этди. Уларнинг аксарияти халқаро турнирларда муваффақиятга эришган спортчилар эди. Шундай бўлса-да, бор имкониятимизни ишга солиб, улардан кам эмаслигимизни амалда намойиш этдик. Якунда 4 та олтин, 5 та кумуш ва 12 та бронза медаллари билан норасмий умумжамоа ҳисобида саккизинчи ўринни қўлга киритишга муваффақ бўлдик. Ўзим каратэ баҳсларида бронза медали билан тақдирландим.

Ўзбекистонга бир олам таассуротлар ва ёруғ юз билан қайтдик. Бундай ютуқ бизга янада руҳ бағишлади. Йил охиригача каратэ бўйича бир неча масъулиятли мусобақалар ўтказилади. Уларда ҳам муваффақиятли қатнашишга ҳаракат қиламан.

Биз жаҳон майдонларида қандай ютуқларга эришган бўлсак, энг аввало, Президентимизнинг эътибори ва ғамхўрлиги туфайлидир. Келажакда шундай шароитлардан куч-қувват олиб, Ўзбекистон номини дунёга таратаверамиз.

**София КАСПЎЛАТОВА,**
**каратэ бўйича XV Осиё ўйинлари ғолиби, жаҳон чемпионати совриндори.**




**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги**
**Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг**
**бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди**

# ГРАНТ ОЛИШ УЧУН ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Ўзбекистон Республикасининг нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларидан Оммавий ахборот воситалари (ОАВ) мустақиллиги ва эркинлигини мустаҳкамлашга қаратилган қуйидаги мавзулардаги лойиҳалар кўриб чиқиш учун қабул қилинади:

— жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни ислоҳ қилиш ва модернизациялаш жараёнларини кенг ёритиш, кучли фуқаролик жамияти қуришда ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, жамоатчилик фикрини шакллантириш ва ифодалашдаги ОАВнинг роли ва аҳамиятини кучайтириш;

— босма нашрлар, ахборот агентликлари ва бошқа ижодий медиа лойиҳалар материалларининг касбий, ғоявий ва бадиий савиясини оширишга қаратилган истиқболли лойиҳалар ва дастурларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг фуқаролар, айниқса, ёшлар онгига, ёшларга маънавий-ахлоқий тарбия ва таълим беришдаги ижобий таъсирини кучайтириш;

— мустақил ОАВ ва ахборот агентликлари журналистлари ва техник ходимларининг маҳоратини ва ижодий фаоллигини ошириш.

Битта лойиҳа бўйича ажратиладиган энг катта грант миқдори — 5 млн. сўм.

Ҳужжатлар ушбу эълон оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган кундан эътиборан қабул қилинади. Ҳужжатлар 2009 йил 30 сентябрь соат 16.00 га қадар қабул қилинади.

Танловда давлат рўйхатидан ўтган нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари иштирок этиши мумкин.

Танлов бўйича қуйидаги ҳужжатлар муҳрланган (ёпиқ) конвертда (А4 форматда): "100035, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳар, Бунёдкор кўчаси, 1-уй" манзилда жойлашган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди номига юборилиши шарт:

— танловда иштирок этиш учун белгиланган шаклдаги ариза илова қилинган хат;

— шу аризанинг аноним шаклдаги, яъни ташкилот номи ва географик ҳудуди кўрсатилмаган ҳолдаги нусхаси;

— ташкилот ҳақидаги белгиланган шаклдаги маълумот (резюме);

— аризанинг (оддий ва аноним шаклида) электрон кўринишдаги CD дискдаги нусхаси.

Танловнинг республиканинг турли ҳудудларидан иштирок этувчилари ҳужжатларни электрон почта орқали grant-6-ngo@inbox.ru манзилига юборишлари мумкин. Бунда ҳужжатлар ташкилот раҳбарининг электрон (сканер ёрдамидаги) имзоси ва муҳри билан тасдиқланиши лозим.

Барча матнли ҳужжатлар Times New Roman 14 шрифтида тайёрланиши керак.

Танловни ўтказиш шартлари ва танлов ҳужжатлари намуналари билан Фонднинг қуйидаги расмий сайтида: www.fundngo.uz, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фондининг Ижро этувчи девонида танишиш мумкин (тел.: 239-26-76).




«Халқ сўзи»нинг навбатдаги сони 4 сентябрь, жума куни чиқади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 803. 36192 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғаев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — С. Раҳмонов.
Навбатчи — Ф. Абилов.
Мусаҳҳиҳ — Ҳ. Тошхўжаев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 22.35 Топширилди — 01.10 1 2 3 4 5